Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 11 октябрь, чоршанба • № 80 (10.756) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ «АТРОФ МУҲИТНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО СЕМИНАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ТАБРИГИ

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Атроф муҳитни қайта тиклаш» мавзуидаги халқаро семинари иштирокчилари — халқаро ташкилотлар вакиллари, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа хорижий мамлакатлар делегацияларини самимий қутлайман.

Жаҳон жамоатчилиги ядро урушлари хавфини тугатиш, кимёвий ва бактериологик қуролларни қўллашнинг олдини олиш, минтақавий зиддиятларни бартараф этиш учун тинимсиз саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Бу ўта муҳим тарихий вазифалардир. Бироқ, улар ҳам инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғунлигини шошилинч равишда тиклаш заруратини инкор этолмайди. Назаримда, бу муаммо жаҳон ҳамжамиятининг янги, XXI асрдаги саъй-ҳаракатларининг асосий мазмуни бўлади.

Биз мазкур семинар эзгу мақсад — минтақада экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол фожеаси туфайли издан чиққан атроф муҳитни тиклаш механизмларини ишлаб чиқиш, инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида муҳим қадам бўлишига умид боғлаймиз.

Асримизнинг бу долзарб муаммосига бўлган қизиқиш, бу муаммони ҳал этишга бўлган теран истак, астойдил ҳаракат ва илмий изланишлари учун мазкур анжуман ташкилотчилари ва иштирокчиларига самимий миннатдорлик билдираман.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва унинг бош котиби жаноб Вильгельм Хойнкнинг Тошкентда минтақавий бюро очиш хусусидаги қарорини қутлайман. Биз бу бюро билан мустаҳкам ҳамкорликни Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни таъминлашнинг яна бир кафолати деб биламиз.

Семинар иштирокчиларига самарали ва муваффақиятли фаолият кўрсатишда, белгиланган хайрли вазифаларни бажаришда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар.

Тезкор матбуот гуруҳи хабар қилади

Матбуот штабининг телефонлари: 33-40-48, 33-64-95, 33-90-82, 33-02-92, 33-38-41, 39-12-93.

ЎРТАЧИРЧИҚЛИКЛАР ЗАФАРИ

БАҲОР ва ёз бўйи фидокорона меҳнат қилган туман меҳнаткашлари давлатга 36 минг тонна пахта топшириб, йиллик режани ортиғи билан адо этдилар. Етиштирилган ҳосилнинг аксарият қисми машиналарда териб олинди. Хомашё асосан юқори навларга топширилди.

Бу зафарли довонни эгаллашда Охунбобоев номли, «Гулистон», «Ўзбекистон», «Ўртасарой», «Ҳақиқат», «Роватак», Акмал Икромов номли, «Северний маяк» жамоа хўжаликлари, ТИИИМСХ ўқув тажриба хўжалиги пахтакорлари алоҳида шижоат кўрсатдилар.

Туманда йиғим-терим мавсуми ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан, меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигини кўзлаб ташкил этилди.

Одамлардаги ерга эгалик туйғуси уларни алоҳида ғайрат кўрсатиб ишлашга даъват этди. Меҳнатни ташкил этишнинг турлича шакллари кутилган натижаларни берди.

Ҳар беш кунликда дала миришкорларининг терган пахтасига пул тўлаб борилиши суръатни оширди. Мавсумда Алижон Холмирзаев, ака-ука Эрали, Шерали, Абдумутал Тожиқуловлар, Дилшод Кўзибоев, Эрмат Умаралиев, Аҳмад Абдуллаев, Ҳамид Юнусов, Бахтиёр Хўжамқулов каби механик ҳайдовчилар 120-170 тоннадан ошириб пахта тердилар. Қўл теримчилари ҳам ҳар йилгига нисбатан кўпроқ шижоат кўрсатдилар. Катта хирмонни бунёд этишда чирчиқлик, оҳангаронлик ва янгиободлик ёрдамчилар муносиб ҳисса қўшдилар. Туман саноат корхоналари, ташкилотлар, муассасалар, мактаблар жамоалари пахтакорлар билан ёнма-ён бўлдилар. Улар ҳозир ҳам ёрдам бериб турибдилар.

Меҳнат зафари ўртачирчиқликларнинг руҳини кўтариб юборди. Улар гектар бошига ҳосилдорликни 30 центнерга, ялпи ҳосилни эса 40 минг тоннага етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

«АЧАМАЙЛИ» ХИРМОНИ

БЎКА. Ишда уюшқоқлик, меҳнатда интизом ва тартиб «Ачамайли» жамоа хўжалиги деҳқонларига ҳам йиллик пахта тайёрлаш режасини анча барвақт бажариш имкониятини берди. 820 гектар майдонда пахта етиштирган азаматлар 2185 тонна хирмон уйиб, ҳар гектаридан 26,6 центнердан ҳосил йиғиб олиб маррага барвақт етиб келдилар. Машиналар билан 865 тонна пахта терилди. Аҳмад Омонов, Баҳром Абдувалиев, Сотиболди Воситов каби механик ҳайдовчилар 85-90 тоннадан пахта териб топширдилар.

Қўл терими ҳам ҳар жиҳатдан авж олдирилди. Марҳабо Абдуллаева, Адолат Раҳмонқулова, Оқила Саиджабборова, Адолат Маҳкамова, Байрам Нарзиева, Анор Назарова, Ҳанифа Холбоева сингари чеварлар 3-4 тоннадан пахта тердилар.

Хўжалик деҳқонлари етиштирилган ҳосилни сўнгги килограммларигача тезроқ йиғиб-териб олиш чораларини кўрмоқдалар. Улар далада қолган ҳосил чўғини чамалаб яна камида 400 тонна пахта териб топшириб, ҳосилдорликни 32 центнерга етказишга сўз бердилар.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1995 йил 10 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

биринчи устун - туманлар, иккинчи устун - бир кунда, учинчи устун - мавсум бошидан буён, тўртинчи устун - машиналарда бир кунда терилган пахта, бешинчи устун-мавсум бошидан буён

Ўртачирчиқ	**2,49**	**100,08**	**2,04**	**82,35**
Оққўрғон	2,46	84,28	1,51	58,66
Бекобод	2,11	79,12	0,27	11,15
Юқоричирчиқ	2,00	78,31	2,06	81,01
Бўка	2,18	77,81	0,89	31,83
Чиноз	1,72	70,92	1,89	53,43
Янгийўл	2,00	69,38	0,69	28,72
Қуйичирчиқ	2,50	66,33	2,42	62,89
Пискент	1,61	49,70	0,37	15,08
Вилоят бўйича	2,18	76,53	1,33	46,41
* * *				
1994 йилда бўлган эди	2,56	58,87	2,03	40,47

МАРРА БАРВАҚТ ЭГАЛЛАНДИ

«Гулистон» жамоа хўжалиги Юқоричирчиқ туманидаги иқтисодий бақувват хўжаликлардан бири. Ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғини пахтачилик ташкил этади. Бу йилги йиғим-терим мавсумини ҳар томонлама уюшқоқлик билан ташкил этган хўжалик пахтакорлари маррага барвақт, туманда биринчи бўлиб етиб келдилар. Топширилган 4432 тонна пахтанинг 90 фоизи биринчи навларга қабул қилинди.

Етиштирилган жами ҳосилнинг 85 фоизи «зангори кемалар» бункеридан тўкилди. Азамат механизаторлар Б.Сеитхонов, Н.Янгибоев, Ж.Абдусаматов, Ш.Зокировлар хўжалик хирмонига 120-140 тоннадан ошириб пахта тўкиб, мавсумда фидойилик намуналарини кўрсатдилар.

Хўжаликнинг Навоий номли участкаси пахтакорлари доим пешқадамлар сафида бордилар. Қабул пунктларига 920 тонна пахта етказиб бериб, йиллик режани 15 иш кунида бажардилар. Уларга ГАЗ-51 машинаси мукофотга берилди.

Хўжаликда пахта тайёрлаш қизғин давом эттирилмоқда.

А.МАТҚУЛОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

10 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлар экан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ташаббуси билан республикамизда ўтказилаётган халқаро семинар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларда экология ҳолатини барқарорлаштиришда ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

— Сиз бевосита иштирок этаётган мазкур анжуман яқинда Нукусда Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича ўтказилган халқаро семинар билан ҳамоҳангдир. Чунки Нукус семинарида кўплаб халқаро ташкилотлар билан бирга ЕХҲТ вакиллари ҳам фаол иштирок этган эди,— деди Ислом Каримов.

Вильгельм Хойнк самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, мустақил Ўзбекистон Республикаси эришаётган сиёсий, иқтисодий ютуқларни бутун жаҳон жамоатчилиги зўр эътибор билан кузатаётганини қайд этди. Минтақадаги экология ҳолати масаласига тўхталиб, бу муаммони ечишда кўмаклашиш учун қўлидан келган барча имкониятларни ишга солишини айтди.

Қабул чоғида Ўзбекистон билан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги минтақавий вакили А. Резник ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СОҒЛОМ АТРОФ-МУҲИТ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

10 октябрь куни Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг атроф-муҳитни тиклаш бўйича халқаро семинари бошланди. Семинарда Германия, Италия, АҚШ, Буюк Британия, Туркия каби ЕХҲТга аъзо ўнлаб давлатлар, Марказий Осиё республикалари ва бир қанча халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Семинарни ЕХҲТнинг Бош котиби доктор Вильгельм Хойнк очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг семинар иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг Вильгельм Хойнк «Халқаро ҳамкорлик ва ЕХҲТнинг атроф-муҳит муҳофазасига қўшган ҳиссаси» мавзуида маъруза қилди.

— Мазкур семинар ЕХҲТга аъзо давлатларнинг эътиборини Марказий Осиёдаги экология масалаларига, хусусан, бутун жаҳон учун хавф туғдираётган Орол денгизи муаммосига қаратиш, ҳамкорликда фалокатнинг олдини олиш йўлларини қидириш имконини беради, — деди у. — Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқи минтақадаги экология ҳалокатига қарши курашиш йўлида ёлғиз эмас.

Семинар иштирокчилари БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича дастури фаолияти билан танишдилар, минтақадаги экология ҳолатини яхшилаш масалаларини муҳокама этдилар.

Маълумки, ўтган йили Тошкентда ўтказилган ЕХҲТнинг илк семинарида Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий, ижтимоий ва бошқа бир қатор муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ кўплаб масалалар муҳокама этилган эди. Мазкур анжуманда эса аниқ мавзу — минтақада атроф-муҳитни тиклаш, бу борадаги энг самарали йўлларни излаб топиш ва уни амалга оширишда жаҳон жамоатчилиги билан кенг ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилади.

Минтақавий ҳавфсизлик, иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи мазкур нуфузли ташкилот ўз фаолияти давомида атроф-муҳит муҳофазасига ҳам катта эътибор бериб келмоқда. Зеро, бугун минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорлик нафақат сиёсий ҳамда ҳарбий омиллар, балки, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий мувозанат ва инсон омили билан ҳам бевосита боғликдир.

Шу боис, ушбу семинарни яқинда Нукус шаҳрида ўтган Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича халқаро Конференциянинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Семинарда Орол денгизи муаммоси Нукус конференцияси натижалари асосида ва БМТ доирасида муҳокама этилади.

Семинарнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов қатнашди.

Семинар Урганч шаҳрида ўз ишини давом эттиради.

ЎзА.

«ТИНЧЛИК КОРПУСИ» ГУРУҲИ — ЧИРЧИҚДА

РЕСПУБЛИКАМИЗГА ўзбек тилини ўрганиш ва иқтисодий, мулоқот, бизнес соҳаларида ёрдам бериш учун келган Америка «Тинчлик корпуси»нинг дастлабки гуруҳи яқинда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг йўлланмаси билан Чирчиқ шаҳрига келди. Қирқ кишидан иборат гуруҳ аъзолари 2-3 ой давомида мазкур шаҳардаги хонадонларда истиқомат қилиб, ўзбек тилини, миллий урф-одатларимизни ўргана бошлайдилар, ҳамда маданий қадриятларимиз мажмуи билан танишадилар.

Гуруҳ аъзоларини қабул қилган шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев Америкадан келган меҳмонларга Чирчиқ тарихи ва шаҳарда яшаб, меҳнат қилаётган 72 миллат ва элат вакилларининг ўзига хос байналмилал анъаналари ҳақида гапириб берди.

Гуруҳ раҳбари «Тинчлик корпуси» директорлари номидан шаҳар раҳбариятига ва аҳолисига самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди. Биз, — деди жумладан у,— ўзбек тилини ўрганишни шу ердан бошлаб, кейин Ўзбекистоннинг турли минтақаларига бўлиниб кетамиз. Сўнгра жойларда ишлаб, биз ҳам ўз навбатимизда, ўзбекистонлик дўстларимизга инглиз тили, бизнес жараёнлари ва тадбиркорлик сир-асрорларини ўргатамиз. Орамизда серқуёш ўлкангизда доимий қолиб ишлаш истагида бўлганлар топилса, улар ўз фаолиятларини давом эттираверадилар.

У. РАҲИМОВ.

НОГИРОН БОЛАЛАР БОҒЧА-ШИФОХОНАСИ

Бекобод шаҳар ногиронлар жамияти савобли ташаббус билан чиқди. Алоҳида эътибор талаб кичкинтойлар учун шанба ва якшанба кунлари ишлайдиган боғча ташкил этишга қарор қилди.

Шаҳар ҳокимлиги, вилоят ногиронлар жамияти бу олижаноб ҳаракатни қўллаб-қувватлади. Шаҳардаги бир қатор ташкилотлар, фирмалар ҳам бундай савобли ишдан четда турмай баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўздилар. Хусусан, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Бекобод шаҳар бўлими, шаҳардаги «Анвар» хусусий фирмаси билан бир қаторда Англиянинг «Болаларни асранг» хайрия жамғармаси, Американинг «Каумеркарткеенсарум» фирмаси ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб, ҳомийлик қилдилар.

Шаҳардаги «Ўзбекметаллургқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Бўғирсоқ» номли болалар боғчаси биноси ногиронлар учун берилди. Барча қулайликларга эга, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган ушбу масканда юқори малакали, тажрибали тиббиёт ходимлари, мураббиялар, муаллимлар кичкинтойлар хизматида бўладилар. Шанба ва якшанба кунлари уларнинг нутқларини ўстириш, ақлий машғулотлар ўтказиш билан шуғулланадилар, зарур тиббий муолажаларни амалга оширадилар.

Ҳозирча республикада ягона ҳисобланган ушбу боғчанинг очилиши ногиронлар учун қилинаётган хайрли ишларнинг дастлабкиси ва у тез орада кенгайиши шубҳасиздир.

Ф. НИЗОМОВА.

ҒОЛИБЛАРГА ПАРТИЯ МУКОФОТЛАРИ

«Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 20 сентябрь сонида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг вилоят пахтакорлари, ишчи-хизматчилари, фахрийлар ва ёшлар, хотин-қизлар ҳамда барча меҳнаткашларга, партия аъзоларига мурожаати эълон қилинган эди. Унда, жумладан, пешқадам туманлар, хўжаликлар, бригадалар, механизаторлар ва терим илғорларини рағбатлантириш мақсадида пул мукофотлари ҳам таъсис этилгани уқтирилганди.

Куни кеча мусобақага дастлабки якун чиқарилди. Пахта тайёрлаш йиллик режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарган Бўка туманидаги Б.Умаров номли жамоа хўжалигининг Деҳқон Жуманазаров бошлиқ бригадаси жамоасига 3 минг сўм пул мукофоти берилди.

Пахта тайёрлаш йиллик режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарган Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги 5 минг сўм пул мукофотига сазовар бўлди.

КЎЧМА МАРКАЗ ЯНА САФАРДА

«МАЪНАВИЯТ ва маърифат» жамоатчилик марказининг Тошкент вилоят бўлими ташкил этган кўчма тарғибот-ташвиқот маркази ўз сафарини давом эттирмоқда. 6 октябрь куни у Оққўрғон туманидаги «Озод» ва «Гулистон» жамоа хўжаликларида бўлиб, пахтакорларнинг бугунги меҳнати билан танишди, терим илғорлари ва ғолиблари, олийҳиммат ёрдамчилар билан узвий мулоқотда бўлди.

Кўчма марказнинг бу ғалги сафарида Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби Н. Жабборова, таниқли фантаст ёзувчи Х. Шайхов, шоира Ф. Усмонова, «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедициянинг бошлиғи Ф. Ашрафхўжаев, «Чарос» рақс дастасининг раҳбари Ш. Шодиметова, республика «Мўтти» театрининг бадиий раҳбари, қизиқчи Ш. Хожиев, радио, телевидение ва матбуот ходимлари иштирок этиб, дастлаб «Озод» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳузурига бордилар. Бу йил хўжалик далаларида мўл ҳосил етиштирилган. Уни йиғиб-териб олиш поёнига яқинлашмоқда. Хўжаликка ташриф буюрилган куни пахта тайёрлаш режаси 80 фоизга бажариб қўйилган эди. Миришкорлар топшириқни 12 октябрда бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Теримчилардаги ғайрат кишида завқ уйғотади. 6-бригададан Б. Алиева кунда 180 килограммдан, Г. Мусулмонқулова 100 килограммдан, Н. Ҳайдаров 90 килограммдан пахта термоқдалар. Дала шийпонига осилган навбатдаги тезкор варақада илғор механизаторлар А. Абдуллаев, Ш. Соатов, пешқадам теримчилар А. Бердимуратова ва Н. Тоировларнинг номларини ўқиш мумкин эди.

Тушлик пайтида пахтакорлар даврасида, уларнинг шаънига кўпдан кўп тахсинлар айтилди. Шоира Фарида Усмонова пахтакорлар меҳнатини шарафловчи шеърларини ўқиб берди. Қизиқчи Шерали Хожиев ва актёр Абдурашид Жўраевнинг чиқишлари қарсаклар билан кутиб олинди. Ўйин-кулгудан сўнг энг илғор теримчиларга совға-саломлар ва фахрий ёрлиқлар тақдим этилди. Халқаро илмий экспедиция раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаев илғорларга Ўзбекистонда илк бор чоп этилган «Темурнома» китобининг нусхаларини ҳадя этди.

Шундан сўнг кўчма марказ «Гулистон» жамоа хўжалигига ташриф буюрди. Бу ерда ҳам йиғим-терим авжида. Хўжаликда теримчиларнинг шижоат кўрсатиб меҳнат қилишлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган. Шунинг учун ҳам теримда суръат баланд.

— Бу йил ҳосил мўл,— деди жамоа хўжалиги раиси Жуманиёз Аннаев. — Уруғлик пахта тайёрлаш топшириғини бажардик. Энди асосий маррани эгаллашни мўлжаллаб турибмиз. Бу мақсадга эришишимизда пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани меҳнаткашлари бизга катта кўмак беришяпти.

Пахтакорларнинг қимматли вақтларини олмаслик учун кўчма марказ аъзолари улар билан тўғридан-тўғри пахта майдонида мулоқот олиб бордилар. Бу ерда ҳам куй-қўшиқ садолари янгради, шеърлар ўқилди.

О. МАҚСУДОВА.

• ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 •

ДИҚҚАТ, ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Муҳтарам газетхонлар!

Шу йилнинг 1 октябридан барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида газета ва журналлар, шу жумладан **«Тошкент ҳақиқати»** учун 1996 йилга обуна бошланди.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлсангиз йил давомида пойтахт вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт хусусида тўлиқ тасаввурга эга бўласиз. Ўзбекистон жаҳон ҳамда қўшни давлатлардаги янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлиб борасиз. Газетада адабиёт, санъат, маданият, маънавият, спорт ва сизларни қизиқтирган бошқа мавзуларга ҳамда тадбиркорлик ва ишбилармонлик борасидаги ютуқлар ва муаммоларга кенг ўрин берилади. Кўпчилик учун зарур эълон ва билдирувлар, турли реклималар, ҳафталик телекўрсатувлар дастурлари ҳам мунтазам чоп этилади.

Шуни айтиш керакки, «Тошкент ҳақиқати» дўконларга кам чиқарилади. Унинг эркин нархларда сотилиши қимматга тушиши ҳам мумкин. Шу сабабли обуна бўлиб газетага ёзилсангиз шубҳасиз фақат ютасиз.

«Тошкент ҳақиқати»нинг обуна баҳоси бошқа нашрларга нисбатан бирмунча арзонроқ. Вилоят аҳолиси учун:

бир йилга — 606 сўм 60 тийин,
олти ойга — 303 сўм 30 тийин,
уч ойга — 151 сўм 65 тийин,
бир ойга — 50 сўм 55 тийин.

Агар сиз Тошкентда яшаётган бўлсангиз, обуна бундан ҳам арзонга тушади:

бир йилга — 516 сўм,
ярим йилга — 258 сўм,
уч ойга — 129 сўм.

Абонент қутичаларидан фойдаланадиган тошкентликлар эса бундан ҳам озроқ ҳақ тўлайдилар:

бир йилга — 432 сўм,
ярим йилга — 216 сўм,
уч ойга — 108 сўм.

Корхона, ташкилот, муассалар учун ҳам, якка тартибда обуна бўлувчилар учун ҳам ана шу нарх белгиланган.

«Тошкент ҳақиқати»нинг нашр кўрсаткичи аввалги йилгидек — 65672.

Қадрдон газетангизга обуна бўлишга шошилинг!

ОҚҚЎРҒОННИНГ ОППОҚ ХИРМОНЛАРИ

Оққўрғон шаҳрида одам сийраклашиб қолди. Бозор, гузар ва кўчаларда кундуз кунлари ҳам жим-житлик. «Ҳамма пахта теримига жўнаб кетган, — дейди «Оққўрғон овози» газетасидан нималарнидир ўқиб ўтирган Бахшилло ота қаншарига қўндириб олган кўзойнаги устидан ажаблангандай қараб қўйиб. — Мана шундай долзарб пайтда ким ҳам уйида оёқ узатиб ўтирарди, юрагида ўти бор одам борки теримда қатнашиш учун аллақачон далага чиқиб кетди. Қанийди, мен ҳам ёшроқ бўлганимда, остонада кўчага тикилиб ўтирмасдим. Манави оёқ қурғур бўйсунмай қўйди-да... — Сўнг у газетани бармоғи билан ниқтаб кўрсатаркан, завқланиб кулиб қўйди. — «Гулистон»га қойилман. Улоқ шунда кетадиган бўлди. Биринчи бўлиб маррага етмаса Бахшилло отимни бошқа қўяман...»

ҚАМБАРАЛИ НИМА ДЕЙДИ?

ҲА, Оққўрғонда умумий сафарбарлик эълон қилинган. «Аҳолининг кўпчилик қисми ўз хоҳиши билан этак тақиб далага чиқиб кетган. — Туман агросаноат уюшмаси раиси Қамбарали Омоновга Бахшилло отанинг гапларини сўзлаб берганимда у ҳам бу гапларни тасдиқлади. — Манави рақамларга бир эътибор беринг-а; ҳозир теримда 18 мингдан кўпроқ киши қатнашяпти. Улардан 5 минг киши деҳқонлар. 3 минги ўқувчилар, 2300 нафари ишчи ва хизматчилар. Булардан ташқари Оҳангарон, Бўстонлиқ, Тошкент туманлари, Янгиободдан ҳам ҳашарчилар келиб, ёрдам беришаётир».

Сирасини айтганда Қамбарали Омонов ҳам далага отланиб турган экан. Қандайдир зарур юмуш билан идорада бир зум ушланиб қолибди. «Яна беш дақиқа кейин келганингизда мени, умуман идора ходимларини бу ерда учратмас эдингиз», — дейди у. У билан бир чимдим суҳбатимиз табиийки пахта йиғим-терими ва шу иш билан боғлиқ муаммолар ҳақида борди.

— Муаммо деяпсиз, аслида уларни бизнинг ўзимиз вужудга келтириб, ўзимиз ҳал этамиз. Ҳозирги долзарб пайтда ҳам ана шундай бўляпти. Бирор хўжаликда қандайдир муаммо пайдо бўлса уни зудлик билан ҳал этмагунча на ҳокимлик, на агросаноат уюшмаси ва на жамоа хўжалиги бошқарувида ҳаловат бўлмайди.

Қамбарали Омонов гап пахта тўғрисида борар экан, кўзлари ёниб, завқ-шавқ билан ҳикоя қиниятлари ҳам йўқ эмас.

— Ҳар беш кунда қўл терими ва механизаторларнинг меҳнатлари якуни чиқариб борилияти. — Қамбарали Омонов ҳикоясида давом этиб дейди. — Хўжаликлар энг кўп пахта терган механик ҳайдовчиларга 1000-1500 сўмдан мукофот пули ёки шунга қўшиб 5 килограмм ёғ, бир қоп ун тақдим этмоқдалар. Қўлда пахта тераётган пешқадамларга ҳам ана шундай мукофотлар берилаётир. Туманда маррага етиб ваъдага вафо қилаётган бригадалар сони кун сайин кўпайиб боряпти. Ҳозирча 21 та бригада раҳбарларига тўн кийдириб, қийиқ боғладик. Бу удум мавсум охиригача давом этади.

ҲАММАДА БИТТА ТАШВИШ

«ГУЛИСТОН» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Жуманиёз Аннаев билан Файзулла Маъдиев бошлиқ бригадада учрашиб қолдик. У бригадир билан хирмон ёнида терим машинасини тўхтатган механик ҳайдовчига гап уқтирарди.

— Режани юз қилдим деб хотиржамликка бериладиган пайт эмас, — деди у Файзулла Маъдиевга. - Яхши, 70 гектардан 27 центнердан ҳосил олдинг. Аммо далангда ҳали пахта кўп. Ҳаракат қилсанг 35 га ҳам чиқаришинг мумкин. Суръатни бир зум бўлса ҳам бўшаштирма.

Жуманиёзнинг уйқусизликдан кўзлари қизариб кетганди.

— Эй, кўяверинг, режа тўлгач дам бўлса олаверамиз. Кўпи кетиб ози қолди. Узоғи билан яна бир ҳафта — ўн кунлардан сўнг ваъданинг уддасидан албатта чиқиб, юзимизни ёруғ қиламиз.

Хўжаликда биринчи терим тугалланиб, иккинчи терим бошланди. Ўртача ҳисобда ҳар гектар ердан 21 центнердан ҳосил олинди. 500 га яқин теримчилар, 550 га яқин хашарчилар этак тақиб далага чиқишган. Олди теримчилар кунига 100-150 килограммдан ҳосил териб хирмонга тўкишмоқда. 15та терим агрегатидан 11 таси ишлаяпти. Бункерлардан ўртача 70 тонна пахта тўкилаётир.

— Шу кунгача жами 16 миллион сўмлик пахта сотдик, — дейди Ж. Аннаев. — Шукур, банкда пулимиз бор, қўлимизни узатган еримизга етади. Ана шу сабабли ҳам ҳар беш кунда терим якунланиб, илғор механик ҳайдовчилар ва теримчиларга мукофот пулларини бетўхтов беряпмиз. Асосий хазинабоннинг ёнига яна икки кишини қўшиб берганмиз. Эртадан кечгача юриб, пул тарқатиб чарчашади. Ҳар беш кунда иш ҳақини олиб турганидан кейин теримчилар ҳам янада кўпроқ пахта териб топшириш пайида бўлаётирлар.

Файзулла Маъдиев, Эркин Аҳмедов бошлиқ бригадалар хўжаликда биринчи бўлиб маррага етишган эди. Улар бунга энг аввало қўл теримига зўр бераётганлари, машиналар қувватидан унумли фойдаланишаётгани сабабли эришдилар. Хўжаликда машина терими 20 сентябрдан бошланган эди. Бригада бошлиқларининг таклифи билан барча техника уч гуруҳга бўлиниб, бригадаларда навбати билан пахта термоқда. Пойганинг бошида эса Эгам Жўраев, Бозор Бойжигитов, Йўлдош Носиров, Комил Орзиқулов, Наврўз Носиров каби механик ҳайдовчилар боришаётир. Уч гуруҳга уч тажрибали механиклар раҳбарлик қилмоқда. Машиналар вақтида техника кўригидан ўтаётгани, ёнилғи билан таъминланаётгани, энг муҳими — механик ҳайдовчиларга яхши ишлашлари ва хордик чиқаришлари учун барча зарур шароитлар яратиб берилаётгани сабабли иш унуми юқори бўляпти.

— Бугун раиснинг ҳам, бригада бошлиғи ва оддий теримчининг ҳам ташвиши битта — пахтани ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиб, тезроқ режани бажариш, ҳосилни саранжомлаб олиш. Бундан бошқа ҳеч қандай ташвишимиз йўқ, — дейди Жуманиёз Аннаев. Дарҳақиқат, тумандаги барча хўжаликлар деҳқонларининггина эмас, уларга ёрдамга келган хашарчиларнинг ҳам ташвишлари ягона мақсадга қаратилган — имкони барича суръатни бўшаштирмай етиштирилган мўл ҳосилни вақтида йиғиб териб олиш ва юзни ёруғ қилиш.

Биз Оққўрғондан қайтиш олдида Қамбарали Омоновдан куч-ғайратини аямай пахта тераётган кўпмингкилограммчи теримчиларни номма-ном айтишни илтимос қилдик.

— Ёзиб олинг, — деди уюшма раиси. — «Гулистон» жамоа хўжалигидан Кумри Ғойибназарова, Фотима Абдураимова — 200 килограммдан, Манзура Қувондиқова, Солия Сайдалиева — 170 килограммдан, «Қаҳрамон» жамоа хўжалигидан Баҳром Қаршибоев, Комила Абсайидова — 140 килограммдан, «Озод» жамоа хўжалигидан Шуҳрат Ҳайдаров, Анора Саримсоқова — 130 килограммдан, Навоий номли жамоа хўжалигидан Муқаддам Дўканова, Кимё Жиянова — 125 килограммдан ҳосил териб хирмонга тўкишмоқда. Уларнинг издошлари кўп.

Ҳа, ҳар кун-ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, суръатни сира ҳам бўшаштирмай меҳнат қилаётган оққўрғонликлар марра сари дадил одимлашмоқда.

Р. ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Тадбиркорлик — иқтисодиёт келажаги

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ УЧУН ҲАМ ИШЛАШЯПТИ

«Тошвилқишлоқхўжаликтаъминот-таъмирлаш» бирлашмаси жамоаси аҳоли талабларини ҳисобга олиб, истеъмол бозори учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳам тобора кўпайтирмоқда. Мавжуд корхоналарда, шунингдек, янги тузилган кичик корхоналар ва цехларда саксон тўрдан ортиқ кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бирлашма жамоаси бундай буюмлар ҳажми ва турини кўпайтиришнинг янги имкониятларини топиб ишга солишга ҳаракат қилмоқда.

ИСТЕЪМОЛ бозорининг зарур маҳсулотлар билан мўл-кўл бўлишини таъминлаш даврнинг долзарб масаласи бўлиб турипти.

Шу туфайли ҳам ҳамма жойда кичик корхоналар, цехлар, қўшма корхоналар, ширкатлар ва бошқа шу каби майда ишлаб чиқариш бўлинмаларини барпо этишга катта эътибор берилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик таъминот-таъмирлаш бирлашмаси жамоасининг истеъмол бозорини тўлдиришга кўпроқ ҳисса қўшиш йўлидан бораётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Маълумки, бу бирлашма ишчи-хизматчиларининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалик машина-механизмларини таъмирлаш ва улар учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришдир. Улар шу йилнинг ўтган саккиз ойида бу соҳада анча катта ҳажмдаги ишларни амалга оширдилар. Шуни айтиш кифояки, вилоят бўйича қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган деярли бир минг икки юзта турли маркадаги тракторлар таъмирланди. Бундан ташқари, икки юз эллик саккизта пахта териш агрегатлари қайта тикланди. Буюртмалар бўйича таъмирланган пахта териш аппаратлари эса 655 тани ташкил этди.

Кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликда ишлатилаётган тракторлар ва бошқа машина-механизмларнинг салмоқли қисми собиқ иттифоқдош республикаларда ишлаб чиқарилган. Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги вақтда юзага келган иқтисодий қийинчиликлар, пул билан тўловларни амалга ошириш қийин бўлиб қолганлиги оқибатида бундай асбоб-ускуналарни олиш у ёқда турсин ҳатто уларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш жуда мушкул бўлиб қолди. Бунинг устига кейинги йилларда хўжаликларнинг янги машина-механизмларни сотиб олишга қурбилари келмай қолди, эскиларини ишлатишга, фойдаланиш муддатлари ўтиб кетган бўлса ҳам, мажбур бўлмоқдалар. Бундай агрегатлар табиий тез-тез бузилиб туради, эҳтиёт қисмларни кўпроқ талаб қилади.

Уларни таъмирлаш ва тузатиш зиммасига юклатилган бирлашма жамоаси бунинг уддасидан чиқишнинг турли йўлларини қидирди. Чунки, олма пиш, оғзимга туш қабилида иш тутиш мумкин эмас эди. Шунинг учун жойларда қишлоқ хўжалик машина-механизмларини тузатиш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш бўлинмаларини барпо этиш йўли маъқул топилди. Шу йўлдан қўйилган дастлабки одимлар ўз самарасини бермоқда.

Вилоятнинг барча туманларидаги ишлаб чиқариш базаларида янги кичик корхоналар, цехлар очилди. Уларнинг кўпчилиги трактор, пахта териш машиналари ва уларнинг териш агрегатларини тузатиш, бошқа машина-механизмларни қайта тиклаш, шунингдек эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Масалан, Халқободда, Янгийўл шаҳрида ихтисослашган махсус цехлар ташкил этилди, уларда қатор қишлоқ хўжалик машина-механизмлари таъмирланмоқда. Оққўрғон, Чиноз, Бўкада «зангори кема»лар ва уларнинг териш аппаратларини тузатишга ихтисослашган цехлар ишлаб турипти. Ўртачирчиқда чопиқ тракторларини, Қуйичирчиқда ҳайдов тракторларини, Пискентда кўрак тозаловчи машиналар, турли тиркаб ишлатиладиган механизмларни таъмирловчи бўлинмалар ишга туширилди. Оҳангарон ғаллакор тумани бўлганлиги учун бу ерда ғалла комбайнларини марказлашган усулда таъмирлаш йўлга қўйилди. Бўстонлиқда файдаланишга топширилган цех эса двигателларни тузатишга ихтисослаштирилди.

Қатор шундай устахона — цехлар бошқа туманларда ҳам ишлаб турипти. Қуйичирчиқ, Чиноз, Паркентда шундай бўлинмалар бу йил ташкил этилди. Бу тадбирлар вилоят қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган машина — механизмларни таъмирлаш ишлари ҳажми ва сифатини сезиларли даражада оширишга олиб келди.

Кейинги пайтда бирлашма раҳбарлиги истеъмол бозорини тўлдиришга қаратилган ишлар кўламини кенгайтириш чораларини ҳам кўрмоқда. Шу мақсадда унга қарашли корхоналар ҳузурида янги цехлар барпо этиляпти, қишлоқлар, маҳаллаларда турли бўлинмалар ишга туширилмоқда. Бунинг учун мавжуд ишлаб чиқариш майдончаларидан ҳам фойдаланилмоқда, айни вақтда бекор ётган бинолар шунга мослаштириляпти.

Шундай тадбирлар туфайли кенг истеъмол моллари тайёрлаш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу йил Бирлашмага қарашли корхоналарда аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган турли-туман буюмлар ишлаб чиқариш яна бир неча ўнтага кўпайди.

Жами тайёрланган халқ истеъмоли буюмларининг қиймати бир миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди. Бундай маҳсулотлар тури ҳозир саксондан ҳам кўп.

Қишлоқ хўжалик машина — механизмларини таъмирловчилар хатто истеъмол бозорини қатор бинокорлик материаллари, гиламлар, металдан ясалган турли буюмлар, кийим-кечаклар, кетмону ўроқлар, болаларга мўлжалланган буюмлар ва бошқа маҳсулотлар билан бойитмоқдалар. Бу билан аҳолининг шундай молларга бўлган талабини қандиришга ҳисса қўшиб, савобга қолмоқдалар.

Вилоятимизда якка тартибда уй-жой қурувчилар сони тобора кенгайиб бормоқда. Республикамиз Президентининг қишлоқ аҳолисига ер майдонлари, томорқалар ажратиб бериш ҳақидаги Фармони туфайли минглаб деҳқон оилалари ерли бўлиб қолмоқдалар. Улар ўз жамғармалари ҳисобига янги-янги турар-жойлар қуриб олишяпти.

Шуни ҳисобга олиб бирлашмада ташкил этилган кичик корхоналар ва цехларда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бир ва икки қаватли дераза ромлари, оддий ва ойнавандли, металл эшиклар, газ билан ишлайдиган сув иситгичлар, дераза панжаралари, шлакли блоклар, ғишт, металл дарвозалар ва қатор бошқа буюмлар шулар жумласидандир.

Металл дарвозалари, фермалари ва шу каби нисбатан кўпроқ қимматли материал талаб қиладиган маҳсулотлар асосан буюртмалар бўйича тайёрланмоқда. Улардан элликтадан ортиғи буюртмачиларга етказиб берилди. Тушган маблағ ҳам мўмайгина, — юз минг сўм. Биргина шлак блокларини сотишдан олинган даромад эса икки юз минг сўмдан ошди. Электродларни тайёрлаш йўлидаги ишлар самараси ҳам кўнгилдагидек бўлмоқда. Металл қурилмаларини пайвандлаш ишларида кўп фойдаланиладиган бундай маҳсулотлардан сал кам ўттиз мингта тайёрлаш эвазига саккиз ой давомида олинган даромад саксон минг сўмга яқинлашиб қолди.

Бундан ташқари, деҳқончиликда фойдаланиладиган қадимий ва оддий иш қуролларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Шу мақсадда қатор устахоналарда ташкил этилган ва шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлинмалар яхшигина даромад манбаи бўлиб қолди. Бу йил ғалла кўп майдонга экилгани ва комбайнлар қатори қўлда ўриш зарурати катта бўлганлигини ҳисобга олиб, ўроқ ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Дастлаб 860 та ўроқ ишлаб чиқариш назарда тутилган эди. Лекин аҳвол ва талаб чуқур ўрганилгач уни тайёрлашни анча кўпайтириш режаси тузилди. Натижада ғаллакорларга салкам икки мингта ўроқ етказиб берилиб, режа 230 фоиз қилиб бажарилди. Ҳатто бу йил биринчи марта от қўшиладиган, кўп юк ташишга мўлжалланган аравалар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди. Жойларда ташкил этилган кичик корхоналар ва цехларда қатор устки ва ички кийим-кечаклар тикиш ҳам ўзлаштирилди. Эркаклар, хотин-қизлар ва болаларга мўлжалланган кийимлардан ўнларча минг сўмлиги савдо шахобчаларига етказиб берилди. Ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол буюмлари орасида қоп ва тагликлар, ўтирғичлар ва кўрпачалар учун ғилофлар, АГВлар ва қозонлар, болалар беланчаги, пичоқлар ва пештахталар ҳамда бошқа ўнлаб бозори чаққон буюмлар бор.

Бирлашма жамоаси бундай кундалик талаб маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг ҳозирги вақтда бозорда танқис бўлган хилларини тайёрлашни ўзлаштириш йўлидаги фаолиятларини янада кенгайтиришлари мумкин. Бунинг учун уларда имкониятлар бор.

М. МИРҲАМИДОВ.

Таълим-тарбия ва ислоҳот

ҲУНАРЛИ ЁШЛАР КЎПАЯДИ

Қибрайда Республикада биринчи ҳунар лицейи очилди

ИШЧИ ворисларини тайёрлашда фақат вилоятдагина эмас, республикада ҳам анча нуфузли ўринни эгаллаб келаётган Қибрай туманидаги ҳунар лицейининг моддий базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ерда яқинда фермер-чорвадор, фермер-асаларичи, фермер-ўсимликшунос касблари ёнига менежер ҳамда кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари учун ҳисобчилар тайёрлайдиган синфлар ҳам очилди. Ҳар иккала гуруҳга шу соҳаларга қизиқувчан, яхши ўқиш билан биргаликда ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган болалар танланди.

— Юртбошимизнинг республикада кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ана шу ҳақдаги қарори асосида бу синфларни очиш учун пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси ҳунар-техника бўлими раҳбари Акмал Йўлдошев, — бу борада бизни бевосита вазирлигимиз, вилоят, туман ҳокимликлари қўллаб қувватлашди. Натижада компьютерлар, касса аппаратлари ва бошқа замонавий жиҳозлар сотиб олишга муваффақ бўлдик. Ўқув хоналари айни мазкур касбларга даҳлдор чизмалар, жадваллар, ихтисосликларга оид кўргазмалар билан жиҳозланди.

Биз ҳунар лицейи директори Шуҳрат Искандаров билан мулоқотда хоналарни ана шу тарзда мукаммал жиҳозлаш ўқувчиларнинг касбни ўзлаштиришларида ижобий самаралар бераётганини билиб олдик. Раҳбарнинг таъкидлашича бу ҳол талабаларни ихтисосликлари билан боғлиқ муҳит ичида яшашларини таъминлайди.

Ўз фаолияти давомида кўплаб ёшларни ишчилар сафига қўшган мазкур лицей бозор иқтисодиётининг ҳозирги талабларига мувофиқ ўз йўлини топиб олди. 512 нафар ўқувчи таҳсил олаётган бу ҳунар масканида шинам ётоқхона, спорт мажмуи, ўйингоҳ, клуб, маиший хизмат тармоқлари мавжуд. Лицей ўзининг фермаси, нутрия хўжалиги, трактор парки, деҳқончилик қилиш учун ерига ҳам эга.

— Барча имкониятлар ўқувчиларнинг пухта билим ва касб эгаллашларига қаратилган, — дейди лицей илмий бўлим мудири Абдуқаюм Шокиров, — болаларга Д. Ўтегенов, В. Исамуҳамедов, Т. Эркабоев, Х. Насриддинов, Ж. Дадахўжаева каби малакали ўқитувчилар дарс бермоқдалар.

Лицей бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражадаги касб ва таълим марказига айланганлиги учун республика халқ таълими вазирлиги билим юртидан тажриба мактаби сифатида ҳам фойдаланмоқда. Яқинда бу ерга мамлакатимиздаги барча ҳунар билим юртлари раҳбарлари тўпланишди. Анжуманни республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев бошқарди. Иштирокчилар кўп тажриба ўргандилар.

Кези келганда шуни айтиш керакки, вилоятимиздаги мавжуд 36 та ҳунар билим юртида 16 минг бола таълим олмоқда. Уларда ўқув самарадорлигини ошириш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Иқтисодий ислоҳотлар талабларига мувофиқ ташкил этилган 4 та лицейда чуқурлаштирилган билим бериш услуби жорий қилинган.

Қибрай лицейига келсак, унинг фермерлик билан боғлиқ барча гуруҳларини битирувчилар фақат шу соҳа бўйича гувоҳномага эга бўлиб қолмай, балки ҳайдовчилик, тракторчилик касблари бўйича ҳам қўшимча гувоҳнома оладилар. Хулоса қилиб айтганда ислоҳотлар йўлидаги изланишлар бу ўқув юрти фаолиятига янгича мазмун бахш этмоқда.

Ҳ. САИДВАЛИЕВ.

Суратда: Қибрай тумани ҳунар лицейининг талабалари ўз ўқитувчилари билан; талабалар ана шундай замонавий синфлар ва техникалардан билим олиб, ҳунар ўрганадилар.

Суратларни Р.ШАРИПОВ олган.

МИРИШКОРГА ОМАД ЁР

Зангиота туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалиги деҳқонлари сабзавот топшириш йиллик режасини биринчилар қаторида бажариб, айни кунларда маҳсулот топширишни давом эттирмоқдалар.

ДЕҲҚОНЧИЛИК бу шундай тармоқки, агарда ер билан тиллашмасанг, қийинчиликлар билан астойдил беллашмасанг мўлжалдаги ҳосилни ололмайсан, меҳнатингнинг бир қисми зое кетиб, доғда қолишинг ҳам ҳеч гап эмас. Бу айниқса, бозор иқтисоди ўз ҳукмини ўтказаётган ҳозирги пайтда деҳқондан ниҳоятда зукко, тадбиркор, маҳоратли бўлишни, эртани кўзлаб иш юритишни талаб этади.

— Минг шукрки,— дейди жамоа хўжалиги раиси Боқижон ака Фозилов,— бизда ана шундай деҳқонлар меҳнат қилишади. Кўпни кўрган, сабзавотчиликда бой тажриба тўплаган, эл-юрт ҳурматини қозонган Зуҳур ака Юсупов улардан бири. Унинг тажрибаси моҳияти нимада?

Азмойишни яхши олади. Эрта баҳордами, кеч куздами, бирон экин экишдан олдин энг аввало халқнинг эҳтиёжини, қолаверса бозор талабларини ҳисобга олади. Шунга қараб деҳқончиликда тош-тарози посонгисини тўғрилайди. Бу йил ҳам ана шундай қилди. Ҳар бир даланинг ҳолати, об-ҳавонинг келишига қараб сабзавот экинларини жойлаштирди.

Меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули бир неча йилдан буён қўл келяпти. Зуҳур аканинг бригадасига аъзо бўлган пудратчилар ҳар бир ишни етакчиларнинг маслаҳати, йўл-йўриғи асосида амалга оширганликлари учун ҳам экинлардан юқори ҳосил олинди. Биргина бу жамоада эмас, Худойберган Файзиев, Бахриддин Сайфиддиновлар бошлиқ бўлган жамоаларда ҳам сабзавотдан баракали хирмон кўтарилди. Шу туфайли хўжалик ҳозирги кунга қадар режадаги 2100 тонна ўрнига 2275 тонна маҳсулот топшириб, юқори кўрсаткичларга эришди.

Маълумки, кейинги йилларда шаҳарга яқин ҳудудларда помидор етиштириш анча мушкул бўлиб қолди. Экин вақтида экилиб, рисоладагидек парвариш қилиниб, кўкартириб олинади. Дастлабки кезларда унинг кўклаши, дон олишини кўриб ҳавасингиз келади. Лекин бирикки теримдан сўнг помидор туплари касалланиб қуриб бошлайди. Аммо бу хўжалик деҳқонлари нав танлашда, помидорни парвариш қилишда бор тажрибалари, маҳоратларини ишга солиб, бу экиндан ҳам юқори ҳосил олмоқдалар. Агар хўжалик бўйича сабзавотнинг ҳар гектаридан ўртача 300 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, помидордан 400 центнерга етказиб маҳсулот олинди.

«Наврўз» жамоа хўжалиги ўзининг соҳибкорлари билан ҳам донг чиқарган. 70 гектар майдонда узумнинг сархил навлари етиштирилади. Ҳар йили мўл ҳосил олинади. Бу йил ҳам режадаги 700 тонна ўрнига шу кунга қадар 1100 тонна сара узум топширилди. Ҳар гектаридан олинган ҳосил 150 центнерга айланди. Муҳит Зуҳуров, Пирмат Нурматовлар бошлиқ жамоаларнинг пудратчи соҳибкорлари айниқса яхши ҳосил олдилар.

— Айни кунларда даламизда иш қизғин,— дейди раис.- Кузги ишларни маромида ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Оралиқ экинлар экиляпти. Ток кесиш ва кўмиш ҳам бошлаб юборилди. 20 гектар майдонга буғдой экиб қўйдик. Мақсадимиз кузги-қишки ишларни ўз вақтида сифатли тугаллаб, келгуси йилга мустаҳкам замин тайёрлашдир.

«Наврўз» дегани — бу баҳор дегани. Жамоа хўжалиги деҳқонлари ўз исми-жисмиларига яраша иш юритиб, кузги экинларни барвақт экиб бўлишга ҳаракат қилмоқдалар.

Н. РИХСИЕВ.

ХОРИЖГА ЖЎНАТИЛДИ

АНГРЕНДАГИ қатор саноат корхоналари узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар буюртмаларини ҳам бажармоқдалар. Бу уларда ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар сифати муайян даражада яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради.

Чунончи, шаҳардаги керамика комбинати жамоаси тайёрлаётган ўтга чидамли ғиштларни харид қилувчилар унинг сифатидан нолимаяптилар. Корхонада Қозоғистон буюртмаси асосида катта миқдорда шундай қимматли ва ноёб қурилиш материали ишлаб чиқарилди. Жами жўнатилган маҳсулот ҳажми олтмиш тоннадан ҳам ошиб кетди. Бунинг эвазига валюта ишланди.

Тажриба-механика заводи ишчи-хизматчилари ҳам республикамизнинг ички бозори эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш қаторида хорижий мамлакатлар буюртмаларини ҳам тез ва соз бажармоқдалар. Улар Россия, Туркманистонга қатор газ жиҳозлари жўнатдилар. Чет эллик мижозларга юборилган бундай маҳсулот ҳажми бир неча миллион сўмликни ташкил этди.

ЎРТАЧИРЧИҚЛИК ПАХТАКОРЛАР МАРРАГА ЕТДИ!

Туман деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш режасини бажардилар. Она-Ватан хирмонига 36 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди.

ЙЎЛИМИЗ ЎЗИНИ ОҚЛАДИ

ОРЗИҚИБ кутилган кун келди. Туманимиз пахтакорлари 36 минг тоннадан зиёд хирмон уйиб, зиммамиздаги давлат топшириғини ортиғи билан адо этдилар. Ялпи ҳосилнинг кўп қисми терим машиналари ёрдамида йиғиб олинди.

Биз учун бу мавсумнинг ўзгачалиги шундаки, **чигит ҳар йилгидан 15 кун эрта экилди.** Бир қатор хўжаликлар бош ҳосилотларининг тавсияси билан «Наманган-77» навини танлаганимиз янада қўл келди. Бу нав эртапишарлиги, чанокдан тез кўчишидан ташқари, толаси пишиқ ва баракали эканлиги билан деҳқонларимизга маъқул бўлди.

Яна бир ютуғимиз уруғни қадаб олганимиздан кейин тезликда майдонларга чигит суви берганлигимизда деб ўйлайман. Бу тадбир уруғни бир текис ундириб олиш имконини берди. Май ойининг биринчи ҳафтасидаёқ барча майдонларда ниҳолларга ишлов беришни бошладик. Шу жараёнда **туманда агротехник тадбирларни амалга ошириш сифатини изчил назорат қилиб борадиган гуруҳ ташкил қилганимиз тўғри бўлган экан.** Унинг аъзолари ҳар бир бригада, ижарачи, оилавий пудратчининг пахта майдонларида бўлиб, культивация қандай чуқурликда олиб борилаётгани, суғориш сифати, озиқлантириш меёри билан жуда жиддий шуғулландилар. Натижада ғўзалар яхши ривожланиб қисқа фурсат ичида шонага кирди ва шиғил кўсак боғлади.

Ҳаво иссиқ келиб, ғўзанинг етарлича харорат олганлиги туфайли дефолиацияни анча эрта бошладик. Иссиқда сепилган дорининг таъсир кучи яхши бўлди. Майдонларни теримга тайёрлаб олганимиздан кейин ҳар қачонгидек техникани кўрикдан ўтказдик.

Тўғри, ҳамма ишларимиз бир маромда, текис борди, дейиш ўринли бўлмас. Зероки, бошқа туманлардаги каби бизнинг туманимизда ҳам запас қисмларга, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига тансиқлик сезилди. Лекин биз ички имкониятларни ишга солдик. Боқимандалик кайфиятидан ҳоли бўлиш кераклиги ҳар бир меҳнаткашга етказилди. Россиянинг турли шаҳарлари билан алоқалар боғлаб запас қисмлар олиб келинди. Техника йиғим-терим мавсумидан анча илгариёқ шай қилиб қўйилди.

Терим олдидан **туманимиздан энг тажрибали пахтакорлар, ҳозирги кунда меҳнат гаштини сураётган отахонлар билан яна бир бор маслаҳатлашиб олдик.** Унда «энди юқоридан буйруқлар, таъқиблар йўқ, хўжаликлар ички имкониятларини ҳисобга олиб, пахтанинг қай даражада очилганига қараб туриб машина теримини бошлашлари керак, қўл терими кучайтирилиши лозим, ғанимат кунлардан унумли фойдаланиш зарур» деган фикр билдирилди. Дарҳақиқат, эркинлик, режани пухта олинганлиги тўғри йўл бўлди.

Мавжуд 240 машинанинг ҳаммаси далаларга чиқди. Ҳар бир механизатор кунига мавсумда ўртача 8-10 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлди. Айримлари эса бункеридан 12-14 тоннага етказиб пахта тўкди.

Мавсумда белгилаб олган **бош йўналишимиздаги яна бир муҳим омил — моддий рағбатлантиришнинг тўғри йўлга қўйилганлигидир.** Рўзғоридан, уй-жойидан кўнгли тўқ бўлмаган одам ҳотиржам ишлолмаслиги аниқ. Шу боис, туман ҳокимлиги хўжаликлар раҳбарларига ўз худудидаги ҳар бир оиланинг моддий аҳволи билан батафсил танишиб чиқиши ва ёрдам кўрсатишини қатъий қилиб қўйди. Ҳокимлик фаоллари, мутахассислари бу кўрсатма қай даражада амалга ошганлигини ўргандилар. Ҳар бир хонадон ун, ёғ, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги, доимий назорат қилиб борилди. Шунингдек, хўжаликларда механизаторлар, қўл теримчиларига қулай шарт-шароитлар яратиб берилди. Тушлик пайтида иссиқ овқат ташкил қилинмаган бирон-бир бригада қолмади. Терилган пахта учун ҳар беш кунликда пул бериб бориш, зарур ҳолларда кунлик меҳнат ҳақини ўша куннинг ўзида ҳисоб-китоб қилиш одамларда катта қизиқиш уйғотди, уларни далага отлантирди. Натижада йиғим-терим мавсумида пахтазорларда ишлаётганлар сони 20 мингдан ошиб кетди. Терим илғорларини пул мукофоти билан тақдирлаш борасидаги режаларимиз ҳам ҳар ўн кунда амалга оширилмоқда. Бунда, албатта, пешқадамлар эгаллаган ўринларига қараб 5, 3, 2 минг сўмдан мукофотга сазовор бўлмоқдалар. Хусусан, шундай ўн кунликлардан бирида Охунбобоев номли жамоа хўжалиги 5 минг сўм, «Ўзбекистон» 3 минг, «Роватак» деҳқон-фермерлар уюшмаси 2 минг сўм билан тақдирландилар.

Шуни алоҳида айтиш керакки, бу қизғин паллада тумандаги хўжаликларнинг 7 мингга яқин аъзолари ёнига келиб қўшилган 13 мингдан кўпроқ ёрдамчининг катта хирмонни бунёд этишдаги улуши ҳам салмоқли бўлди. Бу ишда туман соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари, Тўйтепа-металл конструкцияси заводи ишчилари, 75-автокорхона жамоаси билан бир қаторда, Чирчиқ шаҳрининг бир неча корхоналари ишчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари фидойилик кўрсатишди. Ҳар бир ёрдамчининг кунлик терган пахтаси ўртача 60-65 килограммданни ташкил этди. Улар ҳамон суръатни бўшаштирмаётирлар. **Биз ҳашарчилар ўртасида ҳам мусобақа тадбирларини ишлаб чиқиб, уларни рағбатлантириб боряпмиз.**

Теримни ташкил этишда ҳар бир хўжаликнинг ички имкониятлари ҳам ҳисобга олинди. Масалан, **моддий аҳволи яхши бўлган айрим жамоа хўжаликлари қўлда терилган 1 килограмм пахтага 1 сўм 20 тийиндан эмас, 1 сўм 50 тийиндан, механизаторларга тоннасига 25 сўмдан эмас, 35 сўмдан тўламоқдалар.** Ҳокимлик бундай ташаббусни қўллаб-қувватлаб бормоқда.

Мавсум мобайнида **ташаббускорлар ҳаракатини кенг ёйишга интилдик.** Бу борада туман ҳокими муовини Ҳамид Норқулов бошчилигида ташкил этилган пахта штаби фаолияти диққатга сазовордир. Штаб фаоллари Ҳакимжон Умаров, Бахром Охунжонов, Собир Мусаев, Бектой Умаровлар хўжаликлардан фақат кундалик маълумотларни олибгина қолмасдан, уларни ташаббус билан чиққан механизаторлар, теримчилар ҳаракати ҳақида ҳам хабардор қилиб турдилар. Натижада машинада кунига 12-15 тоннадан пахта терган Охунбобоев номли жамоа хўжалиги механизатори Алижон Холмирзаев, «Ҳақиқат» жамоа хўжалигининг кўпмингкилограммчиси Инобат Худоёрова, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги теримчиси Мавжуда Хўжамқулова, Одинахон Азимоваларнинг «кўп ва сифатли пахта терайлик» деб бошлаган ташаббуслари барча хўжаликларга ёйилди.

Туман пахтакорлари учун қувончли бугунги кунда биз Қорасув пахта тозалаш заводи ишчиларининг ўз бурчларини сидқидилдан бажараётганликларини алоҳида таъкидлаймиз. Бу ерда хўжаликлардан келаётган пахтани бетўхтов, саранжом-саришталик, уюшқоқлик билан қабул қилиб олишда корхона раҳбари Ўрозали Жўраев, бош муҳандиси Акбар Сулаймонов, завод қошидаги тайёрлов пункти мудири Шариф Бозоровлар астойдил жон куйдиришмоқда. Корхонада кечаю кундуз иш маромида бормоқда.

Йиғим-теримни йўлга қўйишда белгилаб олинган муҳим **омилларимиздан яна бири кишилар орасидаги ҳамжиҳатлик, ҳурмат, ишонч ва бир-бирини қадрлаш муносабатидир.** Бу бежиз эмас. Одамлар юртбошимиз фармонлари асосида ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликни аниқ ҳис этмоқдалар. Шу йилнинг ўзида кўплаб янги маҳаллалар газлаштирилди. Хонадонларга ичимлик суви етиб борди. Йўллар асфальтланди. Якка тартибда уй-жой қураётганлар учун ёрдам кўрсатилмоқда. Аҳоли кўз ўнгида шинам, миллий услубда қурилган бозорлар қад кўтарди, хусусий дўконлар иш бошлади. Маданий-маиший хизмат шоҳобчалари фойдаланишга топширилди. Уларнинг ҳаммаси туман аҳлини кўтаринки кайфиятда меҳнат қилишга даъват этмоқда.

Ҳалол пешона тери билан уйилган бугунги хирмон ана шу руҳ, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Биз қўлга киритилган бу муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланаверамиз. Ҳар бир жамоа хўжалиги аъзосининг, биз билан ёнма-ён турган ҳар бир ёрдамчининг фидокорона меҳнати вилоятимиз, республикамиз катта хирмонини яратишга қаратилаверади.

Қаюм ДЕҲҚОНБОЕВ,
Ўртачирчиқ тумани ҳокими.

ҲАМИША ЁНМА-ЁНМИЗ

ШАҲРИМИЗ билан ўртачирчиқликлар орасидаги хамкорлик анъанага айланиб қолганига анча йиллар бўлди. Бу йил ҳам йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ туманнинг турли хўжаликларига ишчилар, хизматчилар астойдил ёрдам кўрсатиш мақсадида етиб келишди. «Ҳақиқат», Акмал Икромов номли, «Ўзбекистон» ва бошқа жамоа хўжаликлари бошқарувлари бизни самимий кутиб олишар экан, унумли ишларимиз учун барча шарт-шароитларни яратиб қўйганликларининг гувоҳи бўлдик.

Хусусан, Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида жойлашган тиббий билим юрти талабалари, «Ҳақиқат» деҳқон фермер хўжалигига юборилган «Электрохимпром», «Капролактам» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Чирчиққурилиш», Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати жамоаси бундай қулай имкониятларга жавобан кун сайин суръатга суръат қўшиб ишламоқдалар. Ҳар бир хашарчи кунига 60-65 килограммдан пахта териб, белгиланган ўртача топшириқни ошириб бажармоқда.

Туман хўжаликларида пахтакорлар билан ёнма-ён ишлаётган 6 мингга яқин чирчиқликлар уйган хирмон бугунги кунгача 3 минг тоннани ташкил этди. Халқимизда ҳайрли ишни охиригача етказиш лозим, деган нақл бор. Биз шунга амал қилиб, бор ҳосилни йиғиб-териб олгунча дала меҳнаткашларига кўмаклашаверамиз.

Очурбой ОМОНБОЕВ,
Чирчиқ шаҳри штаби бошлиғи.



МАВСУМДА пахтани бетўхтов қабул қилишни ва уни қайта ишлашни яхши йўлга қўйишда Қорасув пахта тозалаш заводи жамоасининг ҳиссаси катта. Суратларда: туман деҳқонлари уйган хирмонлар; Ҳамдўстлик мамлакатларига жўнатиладиган тола сифатини мутахассислар кўздан кечиришмоқда.

А.МАЛЬЦЕВ олган суратлар.

ҲОРМАНГ, АЗАМАТЛАР

ТУМАНИМИЗ йиллик режани ошириб бажарганини эшитганимда дилим тўлқинланиб кетди. Бир неча йиллардан буён аҳдига вафодор пахтакорларимиз ўзларининг эл-юрт олдидаги бурчларини вилоятда биринчи бўлиб бажариб келмоқдалар.

Мен ҳам шу туманнинг фуқаросиман. Бригада бошлиғи бўлиб ишлайман. Бу йил 64 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 35 центнердан ҳосил олдик. Давлатга 224 тонна пахта топширилди. Сентябрнинг иккинчи ярмидаёқ бригадамиз йиллик режани ошириб адо этди. Хўжалигимизнинг 2180 тонналик хирмонига муносиб ҳисса қўшдик. Айни қутлуғ кунларда бутун туман меҳнаткашларини эришилган ютуқ билан чин қалбдан табриклайман!

Қ. САФАРОВ,
Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи.

Лавҳа

БУРИЛИШ

КЕКСАЛАР билан суҳбатлашсанг ҳузур қиласан, қиши. Уларнинг кўнгиллари очиқ бўлади, бор гапни рўй-рост айтадилар. Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси сўзларига маъно бағишлайди.

Кенг елкали, гавдаси ўзига ярашган, нигоҳи тийрак, қалин оқ-қора соқоли чеҳрасига файз бағишлаган 73 ёшли Хурсандбой ота Бегматов билан анча гурунглашиб ўтирдик. У киши деярли ярим асрдан буён «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида сувчи экан. Бу йил касбини ёшлардан бирига топшириб, тўрт гектар ерни ижарага олибди. Умр йўлдоши Зулфия ая, ўғли Ҳикматилла, келини Манзурахон билан биргаликда бу майдондаги пахтанинг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил кўтаришибди.

Ижарачилар ерини кўздан кечирдик. Шунча пахта терилганига қарамай, дала ҳамон оппоқ эди. Отани саволга тутиб, мўл ҳосилнинг сири ҳақида гап очдик.

— Ҳа, чиндан ҳам сири бор, — деди у киши. — ўтган йили раисимиз Солижонни ўзимизга қайтариб олдик. Хўжаликда 5 йилдан бери юришмаётган ишлар яна юришиб кетди. Раис меҳнаткашга қайишадиган, меҳрибон, ғамхўр одам. Бир йилнинг ўзида маҳаллага газ, сув келди. Қабристон ободонлашди, йўллар асфальтланди. 7 гектарлик боғ яратилди.

Ота сўзлаётган раис — Солижон Тожиев тўғрисида ҳокимлик фаолларидан ҳам эшитган эдим. Унинг аввал шу хўжалик бошқаруви раиси бўлгани, аҳоли турмуши яхшиланиб, қишлоқ қиёфаси гўзаллашиб кетганини гапириб беришган эди.

Уларнинг айтишларича, ўтган беш йил ичида жамоа хўжалигининг иқтисодий аҳволи қийинлашиб, ночорлашиб қолди. Шунинг учун ўтган йили ҳисобот йиғилишида дала меҳнаткашлари «ўзларининг раислари Солижонни» қайтариб бериш тўғрисидаги истакларини юқори идора раҳбарлари олдига қатъий қўйишди. Ҳокимлик уларнинг бу илтимосларини қаноатлантирди.

Чиндан ҳам инсон эл-юртга муҳаббат, одамларга меҳр билан яшаса, у ҳурмат-эътибор топаверар экан. Буни С. Тожиев фаолиятида яққол кўриб, отахоннинг сўзларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Шу йилнинг 4 октябрь куни йиллик топшириғимизни зиёдаси билан бажардик, — дейди хўжаликнинг пешқадам бригадаси бошлиғи Муборак Алмаметова, — гектаридан 33 центнердан ҳосил олинди! Раис ўша куниёқ келиб бизларни далаларнинг ўзида самимий табриклади. Кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Солижон ака каттаю кичикка самимий муомаласи билан қишлоқ аҳлининг чуқур ҳурматини қозонган. Унинг ҳозирги шароитда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишлари, айниқса ибратлидир.

— Ҳақиқатан ҳам раиснинг бу ҳислати ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди, — дея суҳбатга қўшилди теримчи Ҳалима Зиёвутдинова, — мавсум олдидан хўжалик бўйича барча оилаларга ун, ёғ, гуруч ва бошқа маҳсулотлар тарқатилган эди. Яқинда яна меҳнаткашлар хонадонлари шундай маҳсулотлар билан таъминланди.

Раисни пахтазор айланиб юрганда учратдик. Саломаликдан сўнг у мақсадимизни билгач чеҳраси янада ёришиб:

— Дала меҳнаткашларининг руҳини кўтаришга келганингиз учун раҳмат. Дарҳақиқат, одамлар жон-дилдан ишлашяпти, — деди ва хўжаликнинг М. Алмаматова, Х. Зиёвутдинова, С. Имомбоев, Э. Айтбоев бошлиқ бригадалари ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди. Улар йиллик топшириқларини қисқа муддатларда бажарганликларини алоҳида таъкидлади.

Хўжаликда бу йил механизаторлар ҳам унумли ишлашди. Хусусан, Б. Хўжамқулов, Ж. Ботиров, М. Шарипов, Ҳ. Юнусов сингари механизаторлар 100-120 тоннадан пахта териб бердилар. Кўпмингкилограммчилар сафида эса М. Хўжамқулова, Й. Ўринов, О. Азимовалар илғорликни қўлдан бермай келаётирлар.

Жамоа хўжалигида бир йилнинг ичидаёқ иқтисодий ва маданий соҳаларда рўй берган ўзгаришларда, албатта, ислоҳотлар изчил амалга ошириб келаётган бошқарув аъзоларининг ҳам ҳиссаси катта. Айниқса И. Чўлиев, С. Эргашев, А. Имомбоев каби мутахассислар аҳоли орасида тез-тез бўлиб, меҳнаткашларни рағбатлантириш, уларга бугунги ва келгуси вазифаларни, истиқлолимизнинг моҳиятини тушунтиришда фаол қатнашмоқдалар.



— Бир қатор кўрсаткичлар бўйича дуруст натижаларга эришувимизда аҳолининг ягона мақсад йўлида биргалашиб, аҳиллик билан ҳалол меҳнат қилиши муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди раис. — Биз бундан буён ҳам худди шундай юқори кайфият билан ишлайверамиз.

Рўпарамда суҳбатлашиб ўтирган нигоҳи шиддаткор, чайир қўлларининг томирлари бўртган,чеҳраси офтобда қорайган, сўзлари дадил ва маъноли раҳбарга ҳурмат билан тикиламан. Унинг кўзларида эл-юртга, одамларга меҳр, эришилган зафардан қувонч ҳислари ёлқинланарди. Шунда юртбошимизнинг ҳамма ишда муваффақиятнинг таъминланиши кадрларга боғлиқ, деган сўзлари дилимдан ўтади. Деҳқонларнинг раисга, раиснинг деҳқонларга садоқати бежиз эмаслигини яна бир бор ҳис этдим.

С. ҲАСАНОВ.



Суратларда: ижарачи отахон Хурсандбой Бегматов; раис Солижон Тожиев йиллик режани ҳам, зиммаларига олган қўшимча топшириқни ҳам ошириб бажарган Муборак Алмаматова бошлиқ бригада аъзоларини табриклямоқда.

БИР САВОЛГА ТЎРТ ЖАВОБ

Туман пахта топшириш йиллик режасини бажарган кунлари биз бир гуруҳ пахтакорлар билан мулоқотда бўлиб уларга бу йилги пахта йиғим-терими мавсумининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималар дея оласиз? — деган савол билан мурожаат қилдик.

Аҳмад АБДУЛЛАЕВ,
«Ҳақиқат» жамоа хўжалиги механизатори:

— Хусусан ўз хўжалигимиз ҳақида гапирадиган бўлсам, деҳқоннинг кузини берди. Неча йилдан буён пахта териб келаман-у, аммо бу йилгичалик шиғил кўсак боғлаган далаларни эслолмайман. Хўжалигимиз 3160 тоннадан ошириб ҳосил олганининг, режани ортиғи билан адо этганининг боиси, ҳамма бир тан-бир жон бўлиб ишлади. Эрта баҳордан бошлаб, токи шу кунгача ўзини у ёққа бу ёққа ташлаган деҳқонни кўрмадим. Қурбига қараб ерни пахтакорларга бўлиб берилганлиги парвариш сифатини оширди. Беш кунлик натижаси бўйича пул ҳисоб-китоби ўз вақтида бўлаётир. Одамларни маҳаллама-маҳалла юриб, чақиришга ҳожат қолмади. Ҳамма қизиқиб пахта теряпти...

Ўзимнинг бу йилги ишимда ҳам ўзгариш бор. Бултур 100 тонна терган эдим. Бу йил эса терган маҳсулотим 150 тоннадан ошиб кетди. Бунга ёз ойларидаёқ машинани яхши таъмирлаб қўйганлигим қўл келди.

Яна бир сезган ишим раҳбарларимиз ҳар йилдагига қараганда бу мавсумда далаларга кўп киришди. Теримчилар, хусусан механизаторлар билан суҳбатлашиб, кам-кўстимиздан хабар олиб туришипти. Шунинг учун бўлса керак, кайфиятимиз юқори, ҳали сурьат бўшашгани йўқ ва бўшашмайди ҳам.

Абдураҳмон ДАЛАЕВ,
«Гулистон» жамоа хўжалиги бош иқтисодчиси:

— Мавсум уюшқоқлик билан бошланди. Масъулиятли кунларда мени ҳурсанд қилган омиллардан бири 16 та терим машинасининг биронтаси ҳам «оқсамаган»лигидир. Лекин, шуни айтиш керакки, дастлабки кунларда қўл теримига зўр бердик. У ҳозир ҳам қизғин бормоқда. Сабаби, «беш кунликни» ўз вақтида беришдан ташқари, илғор бригадаларга мукофотларимиз ҳам бор. 3,2,1 минг сўм миқдорида белгиланган мукофотларнинг биринчиси, яъни 3 минг сўмига Акром Содиқов бошлиқ 8-бригада аъзолари сазовор бўлишди. Йиғим-терим жараёнининг иккинчи хусусияти — Қорасув пахта заводи ишни тўғри ташкил этганида деб ўйлайман. Чунки, бу йил биронта пахта ташувчи тележка ҳайдовчисидан шикоят ёки нолиш эшитмадик. Об-ҳаво яхши турганлиги туфайли 2200 тоннадан кўпроқ ҳосилнинг деярли ҳаммасини юқори навларга топшириб олганлигимизни ҳам қайд этишни истар эдим.

Агар одамларга росмана шароит яратиб берилса, улар янада унумли ишлашлари мумкинлигини бу йил яққол сездим. Масалан, ўтган йили бутун мавсум давомида 150 тонна пахта терган Сарибой Тулиев бу мавсумда 180 тонна, 130 тонна терган Абдушукур Ҳасанов 175 тонна пахта терди.

Пахта етиштириш таннархини анча арзонлаштиришга эришдик, ёқилғидан тежаб-тергаб фойдаланиш, йил бўйи техника қаровига эътибор бериш ҳисобига ютуқ қўлга киритилди.

Зокир ПЎЛАТОВ,
«ТИИИМСХ» ўқув хўжалиги раҳбари:

— Назаримда терим сурьати табиий равишда шиддатли бормоқда. «Бўл-бўл» ёки «ортиқча тиғизликка ундаш» ҳоллари барҳам топди. Масъулиятни тўлиқ сезиб, бурчни сидқидилдан бажариш туйғуси кучайди. Хўжалик раҳбарларига, ўрта звено кадрларига эркинлик бериб тўғри қилинди. Мана шу йўл қисқа муддатда баракали ҳосил йиғиб олишни таъминлади.

Ўқув-хўжалигимиз давлатга 609 гектар ердан 1600 тоннадан зиёд ҳосил топшириб, режани ортиғи билан адо этди. Менимча, одамларда меҳнатдан кўриладиган моддий манфаатдорликка ишонч кучайганлиги мавсум хусусиятидир. Шу борада юртбошимиз фармони билан ташкил этилган «Пахтабанк» ўз фаолиятини яхши бошлади демоқчиман.

Мавсумда кунлик кўрсаткичимиз 4,5-5 фоиздан пасаймади. Демак, бу ҳосил мўллигидан. Хўжалигимизнинг 400 нафар аъзоси ва ёрдамга келган 800 нафар талаба яхши ишлади. Натижада якун қувончли бўлди. Барака топишсин!

Рихси МУҲИДДИНОВА,
«Ўртасарой» жамоа хўжалиги теримчиси:

— Иссиқнинг таъсири бўлса керак пахта қийғос очилиб берди. Йиғим-теримни ҳар галгидан эрта бошладик. Дастлабки кунларданоқ одамларда кайфият яхши бўлди. Бу ҳар йили хўжалигимиз йиллик режани ошириб бажариб келаётгани одамлар меҳнатига яраша яхши даромад топаётгани натижаси деб ўйлайман. Бу йилги мавсумда теримчилар орасида ҳам мусобақа ташкил қилинди. Илгари фақат бригадаларо бўларди. Кўп ва сифатли териш бўйича уюштирилган беллашувда биринчи ўрин менга насиб қилди. Терган пахтам 3 тоннадан ошиб кетди. Шу кунгача дугоналарим Нортожи Хайитова 2,5 тонна, Умриниса Аширматова 2 тонна «оқ олтин» териб беришди.

Натижа чиқарилаётганда раисимиз Муқаддас Ҳолиқова механизаторлар орасида Дилшод Кўзибоев, Нурмуҳаммад Эркабоевлар илғорликни қўлга киритганликларини айтдилар.

Хўжалигимизнинг давлатга топширган 1400 тоннадан кўпроқ пахта хирмонида менинг ҳам ҳиссам борлигидан қувонаман.

«ОҒИЛДА ЎРОҚНИ САРҒАЙТИРАР ЗАНГ»

Иқболнинг битта зўр акаси бор, отини Илёс дейдилар. Ажойиб йигит: меҳнаткаш, ҳалол, тиниб-тинчимас. Ўзи қўли гул уста ҳамма нарсани тузата олади. Агар тузалиб турган нарса қўлига тушса ҳам, албатта, бузиб қайта тузатиб қўяди. Илёснинг шу жиҳати Сотволди ХАСАНга ўхшаб кетади, аммо, ҳеч кимга ўхшамайдиган жиҳатиям бор. Жумладан, Илёс Мукимийнинг юртдошларига қарама-қарши ўлароқ, ниҳоятда саёҳатга ўч — у ҳатто футбол бўйича АҚШда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида ҳам синовчан томошабин сифатида иштирок этди. Уни Марадона ҳам, Каниджи ҳам яхши танийдилар — Аргентина терма командаси аъзолари билан тушган рангли сурати ҳам бор...

Одатда, шоирнинг акалари қанақа одамлар экан, деб бош қотириб юрадилар. Мана, Иқболнинг битта акаси ҳақида қисқача маълумот бердик. Бошқалари тўғрисида ҳам мавриди билан ҳикоя қилиб берармиз.

Иқболнинг ўзи эса оддий халқ орасидан чиққан, оддий халқнинг вакили. Истеъдод унинг ваколати масъулиятидир. Шунинг учунмикан, билмадик, Иқбол доим халқнинг дилида, халқнинг тили учида турган гапни топиб айтади (тўғри, шоирлик дегани фақат керакли гапни топиб айтишдангина иборат эмас, аммо керакли гапни айтиш ҳам шеъриятнинг вазифаларидан бири, эҳтимолки бирламчи вазифаси ҳисобланади). Шоир бир неча йил муқаддам жонкуяр устози Йўлдош СУЛАЙМОНГА бағишлаган туркумида бундай деб ёзган эди:

«Оғилда ўроқни сарғайтирар занг,
Далалар қузатар заррин мезонни,
Дайди эпкинларнинг топгани найранг —
Най қилиб пуфлайди синиқ самонни».

Қаламини занг босмаган шоиргина шундай маъзи тўқ сатрларни ёза олади. Қаламини занг босмаган шоирнинг шеърларигина юракдан чиқиб, юракка қуйилади. Ўйлаймизки, «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг ўқувчилари ҳам Иқболга юрак қўридан жой берадилар. Илло, шоирнинг янги мухлислар билан топишгани чин бўлгай!

Иқбол

АФСУС

Мени соғиндингми сен,
суйиб-суйиб
Кўзим ичмаган ялпиз?
Мени соғиндингми, чувалчанг
бўлиб
Ўрмалаб кетган илдиз?

Ниначи қанотин урган анҳорим,
Соғинчингдан сўйлаб бер!
Айт, сениям бир соғинганинг
борми,
Соподек дарз кетган ер?

Отам эккан терак, қишнинг
чилласида
Бағринг тилинмадими?
Қишлоғим, кўкламнинг илк
палласида
Ўрним билинмадими?

Севгилим, ҳаммаси тамом бўлган.
Гоҳо
Мени қийнайди бир сўз.
Сендан бир нарсани билмоқчийдим,
аммо
Ёдимдан чиқди, афсус...

ДАРД

Юрагим чуқур санчир,
Кўзимда ёш айланар.
Қанна солади кампир,
Бошимда тош айланар:

«Чиқ-чиқ, тинч қўй боламни,
Чиқмасингга қўймайман.
Кимсасиз чўлларга бор!
Қақраган далларга бор!»

Бошим айланиб қолган,
Айланади чархфалак.
Кўнглим қучоқлаб олган
Дардни ҳайдолмай ҳалак.

«Мен бу дарддан зерикдим,
Мен бу бахтдан зерикдим.
Бир нарса қил, энажон,
Муҳаббатдан зерикдим!»

* * *

Ғамгин юрак, ғамгусор юрак-
Бечорани хўрласанг бўлмас.
Сени бугун кўришим керак,
Сени бугун кўрмасам бўлмас.

Елкамга юк ташлади осмон,
Бу азоблар қўйгайми омон?
Тушун, сени соғинган ёмон,
Сени бугун кўрмасам бўлмас.

Балки қуёш кулар эртага,
Очилади гуллар эртага...
Нима бўлса бўлар эртага,
Сени бугун кўрмасам бўлмас.

Узун кунлар бунчалар маҳзун,
Маҳзун кунлар бунчалар узун.
Мен эртага яшашим учун
Сени бугун кўрмасам бўлмас.

СЕВМАДИНГ

Севмадинг сан, дилитошим,
Дилимга чўкти қўрғошин.
Кўзимдан тошти кўзёшим,
Ғамкаш булоқ севмиш мани.

Севмадинг сан, етолмасдан
Санга термулдим олисдан.
Ҳаддан зиёда ёлғизман,
Нетай, тупроқ севмиш мани,

Севмадинг сан. Эй, юрагим!
Хазон тушган май — юрагим,
Қандоқ овутай, юрагим,
Кекса япроқ севмиш мани.

Севмадинг сан, атиргулим,
Севги асли надир, гулим?
У синган игнадир, гулим,
Синган чақмоқ севмиш мани.

Севмадинг сан! Севмадинг сан!
Ҳар одимда хатар берган,
Ҳар ютимда заҳар берган,
Суйганига дардлар берган-
Тангри кўпроқ севмиш мани...

ЭСЛАШ

Осмонимни обод қилган қамар эдинг,
Балолардан асрагучи тумор эдинг.
Кўзларимга мудом кўзи хумор эдинг,
Йўлларимни ёшинг билан ювар эдинг,
Иқбол, деса, жонингни ҳам берар эдинг.

Жон чекардинг озор етса гар жонимга,
Минг алдасам, ишонардинг ёлғонимга.
Ногоҳ тикан ботар бўлса товонимга,
Тиканларни кипригингда терар эдинг,
Иқбол, деса, жонингни ҳам берар эдинг.

Гулми эдинг, боғдан ўзим юлганмидим?
Қулми эдинг, сени сотиб олганмидим?
Бир кун ёлғиз қолишимни билганмидим?
Нечун менга ҳайрат ила қарар эдинг?
Иқбол, деса, жонингни ҳам берар эдинг.

Япроқларга шодон-шодон сўйладим мен,
Чорбоғларга пинҳон-пинҳон бўйладим мен.
Сени ўпиб, бегонани ўйладим мен...
Аслида, сен ҳаммадан ҳам керак эдинг,
Иқбол, деса, жонингни ҳам берар эдинг.

Йўқсан. Сени йўқлаб, йўллар қарагим йўқ,
Юрак ютиб борай десам, юрагим йўқ.
Ўзимга ҳам энди менинг керагим йўқ...
Мени ҳатто мендан зиёд севар эдинг,
Иқбол, деса,жонингни ҳам берар эдинг.

* * *

Заррабин нигоҳли қадимшуносла р
Қатлама тошларни авайлаб кесиб,
Тоғдилар бус-бутун сақланган бир барг,
Афтидан, ибтидо даврига мансуб.

Балки, бу шунчаки тўкилган япроқ
Номсиз дарахтларнинг илтижосидир.
Балки, ибтидоий дилдаги титроқ —
Боқий муҳаббатнинг ибтидосидир.

Эҳтимол, тошйигит тошқизни суйиб,
Юрак шаклидаги япроқни тутган,
Балки, қиз йиғлаган лабларин қўйиб,
Кейин тошлар аро яшириб кетган...

Қадимшуносларнинг топгани — тахмин,
Моҳият ҳақида жиддий гапим бор:
Фақат муҳаббатда мўъжиза мумкин,
Мангуликка фақат севги даҳлдор.

Тошдек думалайди ҳали асрлар,
Даврлар ўтади кийикдек чопиб,
Ҳали ечилади чувалган сирлар,
Фалак асрорин ҳам оларлар топиб.

Қадимшуносларми, одамшуносла р
Тошкент тошларини кесарқан бир кун
Ҳаммаси ҳайратдан эсидан озар —
Менинг юрагимни топиб бус-бутун!

Гоҳо ишқ йўлида бўлар қурбонлик,
Аммо ўзга олам севги ва илм.
Ҳозир бир сўзингга келажак боғлиқ,
Тошбағир севгилим, тошдил севгилим!

Бокс бўйича Осиё XVIII чемпионати ниҳоясига етди

ТОШКЕНТ РИНГИДАН — АТЛАНТАГА

• Қозоғистон жамоаси биринчи • Учта олтин, битта кумуш, иккита бронза медали кўпми-камми? • Жаҳон чемпиони Лина Черязова боксга мафтун бўлиб қолди • Ўзбек тўнини кийган ғолиблар.

БИР ҲАФТА давомида пойтахтдаги «Алпомиш» спорт саройи бокс мухлислари билан гавжум бўлди. Айниқса мусобақанинг сўнгги куни бу ерга нафақат теварак атрофдаги шаҳар ва туманлардан балки Қозоғистондан мингдан зиёд томошабинлар келди. Осиё қитъасининг 19 мамлакати байроқлари спорт саройи узра хилпираб турди.

Жума куни бўлиб ўтган ярим финал олишувларидан сўнг келаси йил Атлантада ўтадиган XXIX Олимпиадага йўлланма олган 23 боксчи номлари маълум бўлди. Улар орасида Ватанимизнинг 4 нафар вакили, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Наримон Отаев, Дилшод Ёрбеков, Руслан Чагаевлар ҳам бор.

Мусобақа оралиғида жаҳон биринчилиги ва кубок мусобақалари ғолиби, «Ґран при» мукофоти соҳибаси фристайлчи Лина ЧЕРЯЗОВА билан суҳбатда бўлдим.

— Биласизми, боксни севиб қолдим. Телевизорда кўриб мана бугун бу ерга келдим.

— Қайси боксчиларимиз сизга манзур бўляпти?

— Вакилларимиз орасида айниқса Наримон Отаев, Дилшод Ёрбеков, Руслан Чагаевлар ёқяпти. Улар рингда ўзларини дадил тутишаётгани, кучли зарбалари билан рақибларини шошириб қўяётганлиги менга манзур бўлмоқда.

— Лина энди ўзингиз ҳақида, яқин кунлардаги режаларингиз тўғрисида гапириб бермасангиз?

— Бутқул соғайиб кетдим. Ҳозирда тўла куч билан машғулотларни давом эттиряпман. Устозим Дмитрий Ефимович Ковунов билан декабрь ойида бўладиган жаҳон кубоги мусобақаларига тараддуд кўряпман. Бундан кейин ҳам Ўзбекистон спорти шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан.

Рингда 75 килограммгача вазнли боксчилар: Ўзбекистон вакили Дилшод Ёрбеков ва кореялик боксчи Ли Ин Суо. Дастлабки дақиқаларданоқ Дилшод ташаббусни қўлга олди ва кучли зарбалар билан рақибини нокдаунга учратиш йўлларини ахтара бошлади. Биринчи раундда унинг бир кучли мушти рақибини довдиратиб қўйди. Иккинчи раунд бошидаёқ боксчимиз мақсадига зиёдаси билан эришди. Дилшод рақибини нокаутга учратди. Ҳакам саноғини охирига етказмаёқ узала тушиб ётган ва хушини йўқотган Ли Ин Суога ёрдамга ошикди. Секундантлар рингга чиқди. Томошабинлар Дилшодни соф ғалаба билан қутлай бошладилар.

Устозлари ва дўстлари қуршовида ғолиб боксчимиз ўз жамоаси учун ажратилган кийиниш ва чигал ёзиш хонаси томон йўл олди. Мен ҳам ЎзА фотомухбири, бокс фахрийси Алишер Рискиев билан уни қутлаш мақсадида кетма-кет юрдик.

— Дилшод ғалаба билан қутлаймиз.

— Раҳмат.

Алишер Рискиев Дилшодни кучиб, унга ҳозиргина рақибининг рингдаги нокаут ҳолатини расмга олганлигини, финал учрашув олдидан ҳадя сифатида беришини ваъда қилди.

Ўзбекистон терма жамоаси устозларидан бири, спорт устаси Обид Зокиров бизлардан узр сўрадида, шогирдига юзланди.

— Қани Дилшод бўла қол, теринг қотмай «жанг»ингни тугатиб ол. Кўз ўнгимизда Дилшод Ёрбеков яна рингдаги олишув ҳолатига кириб, ўзича машқ қила кетди. Бу биз учун янгилик эди. Суриштириб билсак, боксчи ҳар бир учрашув олдидан бутун кучини учга бўлиб, яъни уч раундга тақсимлар экан. Дилшод эса бир ярим раунддаёқ ғалабага эришиб, ярим кучини сарфлабди.

Финалда Қозоғистондан 7, Ўзбекистондан 4, Тайланддан 2, Филиппиндан 2, Тожикистондан 2, Эрондан 2, Индонезия, Монголия, Афғонистон, Корея, Ҳиндистондан 1 тадан боксчи қатнашди. Яъни 12 вазнда биринчи-иккинчи (мутлоқ оғир вазнда фақат биринчи) ўринларни эгаллаган боксчилар келаси йил Атлантада ўтадиган Олимпиада ўйинларига йўлланма олдилар.

Тошкент рингидан жаҳон спортчиларининг улкан анжумани ҳисобланган Олимпиадага йўлланма олган ва финалда ўзаро учрашган боксчилар билан танишинг:

48 кг. Самрот Камсинг (Тайланд)
Манцетто Веласко (Филиппин)
51 кг. Болот Жумадилов (Қозоғистон)
Пармухсанг Фосуан (Тайланд)
54 кг. Бектос Абубакиров (Қозоғистон)
Ҳуршид Ҳасанов (Тожикистон)
57 кг. Бахтиёр Тилегенов (Қозоғистон)
Немо Бахари (Индонезия)
60 кг. Утемон Туменценцек (Монголия)
Муҳаммадқодир Абдуллаев (Ўзбекистон)
63,5 кг. Болот Ниёзимбетов (Қозоғистон)
Рональдо Галидо (Филлипин)
67 кг. Наримон Отаев (Ўзбекистон)
Нуржон Сманов (Қозоғистон)
71 кг. Ермахон Ибрагимов (Қозоғистон)
Муҳаммад Омон (Афғонистон)
75 кг. Дилшод Ёрбеков (Ўзбекистон)
Мулай Сафио (Эрон)
81 кг. Василий Жиров (Қозоғистон)
Ли Бин Бау (Корея)
91 кг. Руслан Чагаев (Ўзбекистон)
Синг Ларха (Ҳиндистон)
91 кг. дан юқори вазнларда
Муҳаммад Ризо (Эрон)
Лазиз Зокиров (Тожикистон)

60 килограммгача вазнлилар мусобақасида Муҳаммадқодир Абдуллаев Утемон Туменценцекга кескин курашда 12:15 ҳисобида учрашувни бой берди. 67 килограммгача вазнлилар бахсида қатнашган Наримон Отаев қозоқ Нуржон Сманов устидан катта фарқ билан эришган ғалабасидан мухлислар ниҳоятда мамнун бўлдилар. Иккинчи раундда Наримов рақибини икки бор нокдаунга учратди. Ана шу ҳаяжонли дақиқаларда саройга тўпланган салкам 7 минг томошабиннинг кўпчилиги кучлигина ер силкинганини сезишмади ҳам. 75 килограммгача вазнда ғолиб келган Дилшод Ёрбековни шарафлашда Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграгандан сўнг совринни шу вазнда 1974 йилги жаҳон чемпиони, Олимпиаданинг қумуш совриндори, таниқли боксчи Руфат Рискиев ва Осиё бокс федерациясининг вице президенти, қатор халқаро учрашувлар ғолиби, Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони Владимир Шин топширганда яна олқишлар авжига чиқди. Терма жамоамизнинг яна бир ёш, иқтидорли боксчиси Руслан Чагаевнинг ҳиндистонлик Синг Ларха устидан ажойиб ғалабаси ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Мусобақалар тугади. Ғолиблар шарафланди. Дилшод Ёрбеков Осиё чемпионатининг энг яхши боксчиси деб топилди. Унга биллур, гилам ва уй қалити топширилди. Карнай-сурнай садолари остида 24 финалчи яна рингга чиқди. Уларга тўн ва дўппи кийдирилди, белбоғ бойланди. Ғолиблар бир неча дақиқа «ўзбек»ка айланди. Бундай ажойиб лаҳзалар мусобақа иштирокчилари ва мухлислар ёдида узоқ сақланиб қолиши аниқ.

Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт олийгоҳи илмий кенгаш бокс спортининг ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун жаҳон ва Осиё бокс федерациялари Президенти Анвар Чаудрига фахрий докторлик илмий унвонини берди. Ана шу докторлик гувоҳномаси Анвар Чаудрига тантанали вазиятда топширилди. Мусобақанинг тантанали ёпилишида нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Осиё XVIII чемпионати ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков Тошкентда ўтган боксчиларнинг бу мусобақаси Олимпиада ҳаракати равнақига муносиб улуш бўлиб қўшилишини таъкидлади.

Чемпионатнинг тантанали ёпилиш маросимида Президентнинг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Бош вазир ўринбосарлари С. Саидқосимов, У. Исмоилов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этишди.

Осиё чемпионати тугади. Жамоа ҳисобида қозоғистонликлар ғолиб келдилар. Улар Олимпиадага 7 та йўлланмани, (6 та олтин, 1 кумуш). Ўзбекистон вакиллари эса 4 та йўлланмани (учта олтин ва 1 та кумуш) қўлга киритдилар. Вакилларимиз яна 2 та бронза медалларига ҳам сазовор бўлдилар. Осиёнинг 19 мамлакати вакиллари иштирок этган бундай катта кўрикда иккинчи бўлиш ёмон кўрсаткич эмас. Лекин медалларимиз бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Мухлислардан кўра бокс мутасаддилари бунинг сабабини яхши биладилар. Ана шу камчиликлар қанчалик тез бартараф этилса, шунчалик яхши бўларди. Боксимиз янада равнақ топарди.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.



Суратларда: Осиё чемпиони унвонига мушарраф бўлган Ўзбекистон вакиллари: Наримон Отаев; Дилшод Ёрбеков ва Руслан Чагаев.

Суратда: ғолибларни шарафлаш пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) суратлари.

Футбол майдонларида

ЎЗБЕКИСТОН олимпия терма командаси ўз гуруҳидаги сўнгги саралаш учрашувини сафарда Қозоғистон футболчилари билан ўтказиб 1:3 ҳисобида мағлубиятга учради ва навбатдаги босқич ўйинларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

***

ОЛИЙ ТАБАҚА жамоалари чемпионатнинг 26 тур ўйинларини ўтказдилар. МСХК жамоаси ўйин ўтказмай ўз ҳисобига яна уч очко ёзди. Бу турда армиячиларнинг рақиби чемпионатдан четлаштирилган Бухоронинг «Нурафшон» командаси эди. Қолган ўйинлар қўйидаги натижалар билан тугади: «Чирчиқ» — «Политотдел» — 1-3, «Машъал» — «Сўғдиёна» — 2:0, «Янгиер» — «Трактор» — 0:0, «Наврўз» — АСК — 0:0.

64 очко тўплаган МСХК карвонбошилик қилмоқда. Бугун «Пахтакор» марказий ўйинғоҳида майдон эгалари Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасини қабул қилишади.

***

Биринчи табақа иштирокчилари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Косонсойнинг «Кушон» ҳамда Навоийнинг «Зарафшон» учрашувлари 1:1 ҳисобида тугади. «Ғазалкент» Ургенчнинг «Динамо» жамоасини қабул қилди. Ўйин натижасиз якунланди. Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Чилонзор» — «Тегирмончи» — 7:0, «Боғдод» — «Насаф» — 1:1, «Бахт» — «Прогресс» — 0:2, «Маданият» — «Диёр» — 2:0.

КЕЛАСИ йил олий табақада қатнашиш ҳуқуқини берадиган иккита йўлланма учун даъвогарлар баҳсида Косонсойнинг «Кушон» ҳамда Тошкентнинг «Чилонзор» жамоалари 27 ва 26 тадан очко жамғариб пешқадамлик қилишмоқда.

ЭЪЛОНЛАР

ГОРЬКИЙ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ
Ўзбекистондаги Бош фирмаси — «ГАЗ» АВТОМАРКАЗИ

пул ўтказиш йўли билан Тошкентдаги омборхонага темирйўл билан келтирилган қуйидаги автомобилларни

СОТАДИ

«ГАЗ-31029»— 050-051-055 стандартлар бўйича ва юксак талаблар даражасида тайёрланган:

«ГАЗ-3302», «ГАЗЕЛЬ» соябонли, барча қулайликларга эга, 1,5 тоннали юк автомашинаси (двигатель, бош босқичли тезликда, «Волга» енгил автомашинасининг руль механизми ўрнатилган, 100 км. масофага 11 литр бензин сарфланади).

ФАҚАТ БИЗ 1 ЙИЛЛИК КАФОЛАТ БИЛАН СОТАМИЗ!

ФАҚАТ БИЗ ТЎППА-ТЎҒРИ ЗАВОДДАН ТЕМИРЙЎЛ ОРҚАЛИ ЖЎНАТАМИЗ!

Фақат биздагина ДАН рўйхатидан ўтказиш ҳеч бир қийинчиликсиз бўлади!

Фақат биз «ГАЗ»нинг янги деталларини қўйиб таъмирлаймиз ва техник хизмат кўрсатамиз!

Фақат биз харид қилинган молнинг хавфсизлигига кафолат берамиз!

«ГАЗ» автомобили — рақобатдан устун туради, у ишончли ва узоқ йилларга чидамлидир!

«ГАЗ» АВТОМОБИЛИ — вақт ва йўл синовидан аллақачон ўтган!

Қуйидаги телефонлар орқали қўнғироқ қилинг: 24-50-11, 24-92-32, соат 19.00 дан кейин — 48-93-96, 53-19-37.
МАНЗИЛ: Тошкент тумани, Ҳасанбой посёлкаси, шаҳар айланма йўли ёқасида.

НАБИ ҒАНИЕВНИНГ БИРИНЧИ КИНОАСАРИ ҚАЙСИ?

ЎЗБЕК КИНОСИ ТАРИХИДАН

Шу пайтгача ўзбек киносига асос солганлардан бири, улкан кинорежиссёр Наби Ғаниевнинг «Юксалиш» киноасари унинг дастлабки мустақил иши даб эътироф этиб келинарди. Аслида эса ундай эмас экан...

Наби Ғаниевнинг ҳали маълум бўлмаган фильмларини излаш ва ўрганиш жараёнида топилган фактологик материал ўша 20-йилларнинг кино муҳити қанчалик мураккаб, зиддиятларга тўла бўлганини кўрсатди-қўйди. Бу санъаткорнинг айрим фильмлари (масалан, «Ҳокимият кимники?», «Соат ва юрак») сценарийлари, бир қатор сценарийларнинг режиссёр Н. Ғаниев қайта ишлаган нусҳалари, эскизлари, фильмларга ишланган расмлар ҳали топилганича йўқ. Аммо бугун, улкан режиссёр Наби Ғаниевнинг дастлабки фильми «Ҳокимият кимники?» бўлганлигини, бу фильм ҳақида 20-30 йилларда турли танқидий фикрлар билдирилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни топганлигимизни маълум қилиб, уларни «Тошкент ҳақиқати» газетаси орқали илк бор эълон қилаётирмиз.

Дарҳақиқат, шу пайтгача ўзбек киносини яратишда «тамал тоши» қўйганлардан бири, ажойиб инсон Наби Ғаниевнинг биринчи мустақил иши «Юксалиш» (1931й.) деб эътироф этиб келинарди. Мустақиллик шарофати ила турли архивларнинг қулфлари очилди-ю, ниҳоятда муҳим ва қимматли ҳужжат ва маълумотларнинг халққа ошкор бўлиши учун шароит туғилди. Ва худди шу сабабли ҳам Наби Ғаниев 1928 йилда «Ҳокимият кимники?» фильмини яратганлиги, у 1929 йили экранга чиққанлиги аён бўлди. Демак, режиссёрнинг фаолияти «Юксалиш»дан илгарироқ бошланган экан.

1938 йилнинг 21 август куни киностудиянинг маҳсулотини кўриш комиссияси бу асар ҳақида қуйидагича маълумот ҳамда хулосаларни билдирганларини аниқладик: «Ҳокимият кимники?» 1929 йили чиқазилган. Н. Ғаниев — муаллиф ва режиссёр.

МАВЗУ: Ўзбекистонда хотин-қизлар озодлиги, колхоз тузилиши.

ХУЛОСА: Колхоз қурилиши учун бўлган кураш кўрсатилмаган. Ишлар ва кексалар бир-бирига қарши қўйилади. Троцкий илгари сурган концепция — «Ёшлар партиясининг барометри» — илгари сурилади. Асарга «Ҳокимият кимники?» деб ном берилган-у, лекин томошабин бу саволга аниқ жавоб ололмайди. Сабаб: совет ҳокимияти томонидан бойларга қарши иш олиб борилгани жуда суст тасвирланган. Бу эса зодагонларни кучлироқ, қудратлироқ қилиб кўрсатишга олиб келган. Фильмни ҳаётимизга очиқдан-очиқ душманларча муносабатда бўлганлар яратганлар». Кейинги жумла тагига қизил қалам билан чизиб қўйилган.

Архивдан топилган яна бир ҳужжатда фильмнинг мазмуни ҳам келтирилган. Бу «маълумот» қачон тайёрланганини аниқлай олмадик.

«Ҳокимият кимники?». Бош ролда Ғаниев. Буни совет ҳокимияти ҳақидаги бадиий асар, деб бўлмайди. Бойлар ва совет ҳокимияти ўртасидаги мусобақани тасвирловчи фильмнинг ўзи бу. Образлар ясама. Буни устига бойлар ҳамда ўғрилар кучли шахслар сифатида таърифлангандир.

Воқеалар «бой ҳокимияти» ҳукм суриб келган бир қишлоқда содир бўлади. Партия йўқ, комсомол ҳам йўқ. Умуман бойнинг кўпдан кўп жиноятларини сеза биладиган бирорта фильм шахснинг ўзи йўқ. Ҳартигур Қизил аскарлар вакили ўша қишлоққа келади-ю, барча унсурлар устидан ғалаба қилади. Ўзи қишлоқ советининг раиси бўлиб олади. Бойларни йўқ қилиб, ҳеч қийинчиликсиз мактаб, шифохона қуради... бу асарда ҳам совет ҳокимияти органларини соғломлаштиришда партиянинг роли деярли йўққа чиқазилган. Картинада лаганбардорликка йўл қўйилган. Рамзин ўрток Охунбобоев кабинетида суратга осилган. Рамзин ўша кезлари маориф наркоми эди. Кино ташкилоти эса унга қарар эди.

ХУЛОСА: Тутуруксиз картина, заарли».

Бу икки ҳужжатдан Н. Ғаниев сценарий битганида, илк бор режиссурага қўл ургани ва бош ролни ижро этганини, асарнинг мавзусини ва мазмунини билиш мумкин, демак ўзбек қишлоғида совет тузумини олиб кириш ва кимларгадир зарур бўлган тартибни ўрнатиш учун ҳарбийлар, уларнинг вакили бўлмиш, «Қизил аскар»нинг аралашуви зарур бўлган. У келгунга қадар қишлоқда ўзга тартиб мавжуд бўлган.

Наби Ғаниев бу фильм учун «менга ҳатто 300 сўм мукофот ҳамда «Қизил Ўзбекистон» газетаси орқали миннатдорчилик билдирилган»ини қайд этган (Қизил Ўзбекистон — 1928 йил октябрь).

Бу асарда ижодкорнинг айрим изоҳларини ҳам учратдик: «Унда киножурналларда қўлланиладиган услубдан фойдаланилган. Сюжет унсурлари бўлиши томошабинни айрим мавзуларда фикр юритишга ундайди». Ниҳоят, бу асар ҳақидаги сўнгги маълумотни келтирамиз. Н. Ғаниевнинг хатидан олинган мисралар юқорида келтирилган сана ва бошқа фактларни инкор этиши кўзга ташланади. «Бир қисмли «Ҳокимият кимники?» картинаси 1926 йилда яратилган. Сценарийни Лолахон Сейфуллина ёзган. Мен Қизил Армия аскари ролини ўйнаганман...»

Бир мавзуда икки марта 1926 ва 1928 йиллари иккі фильм суратга олинганмикин!? Ёки Наби ака 1926 йили яратган асарни 1928 йилгача ўрганиб, қисқартириб хулласи ҳар хил сабаблар билан ушлаб турганмикан?

Бу маълумотлар яқинда топилганини ва улар илк бор эълон қилинаётганини таъкидлаб ўтардик. Ҳозирги «Ҳокимият кимники?» деб аталган асарни кўрган ва ҳозир барҳаёт бўлган томошабинни учратмадик. Муштарийлар орасида бордир шундайлар. Улар хотираларида муайян асарни тиклашларига ёрдам бериш ниятида қуйидаги тафсилотларни келтирамиз. Асар: «Чья власть?» номи билан кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. У фақат Тошкентдагина эмас, вилоятларда ҳам намойиш этилган. Чунки «Шарқ юлдузи» кино ширкати ўзининг ва бошқа студияларнинг фильмларини ижарага бериб турган вилоятлар, туманлардан аравалар келиб Шайхонтоҳурдаги кино ширкатидан темир қутичалардаги тасмаларни олиб кетишган. Бу асар катта, тўлиқ метражли фильмдан олдин ҳам кўрсатилган бўлиши, экран олдида унга бирор киши (Тошкентда «Ашур — картинкачи» дейишади) изоҳ бериб турган бўлиши ҳам мумкин.

Фильмни эсласангиз ёзиб юборарсиз, деган умиддамиз. Биз эса бу асар ҳақидаги архив ҳужжатларида қолган маълумотларни келтириш билан чекландик. Кинематографиямиз асосчиси, «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддин саргузаштлари» каби асарларнинг ижодкори бўлмиш Наби Ғаниевнинг илк асари мазмунан ва шаклан қандай бўлганини билишга интилишимиз табиий ва кино тарихимиз учун зарурдир.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
профессор.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0439. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6